


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@mcs.uz 2014-yil 21-fevral • №8 (4251)


## КЎЗЛАРИДА ЧАҚИН, ҚАЛБИДА ЁЛҚИН



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат.

Бошловчи қизнинг жарангдор овози тўрт тарафда акс-садо беради.

— Саҳнада Самарқанд вилоятининг гимнастикачи қизлар жамоаси. Улар "Қадимги афсона" композициясини ижро қилишади...

Майдонга махсус лисбосларда бўйчан, ихчам қизалоқлар тантанавор мусиқа оҳанглари остида югуриб чиқишади. Ҳавода қизил, яшил, пушти тасмалар пириллаб айланади. Гимнастикачилар худди гулдан гулга учиб қўнаётган капалакларни эслатади.

— Болаларимиз бир зумда майдонни ўзиники қилиб олишди. Худди шу спорт дунёсида туғилиб, шу дунёда улғайгандек. На ҳадик, на иккиланиш бор ҳаракатларида, одам ҳайрон қолади, — дея ҳайратини билдиради, ҳамроҳларимиздан бири.

— Одам боласи ўзи яшаётган шароитнинг бир қисмига айланади-да. Ахир, юртимиз спорт мамлакатлари қаторига қўшиляпти-ку, — дейди ёнимиздаги томошабин оналардан бири.

Республика Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар ёрдамида ўтказилган "Гимнастика барча учун" тадбирини томоша қилар эканмиз, спорт ҳаёти, спорт хаёли етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча-барчанинг онгу тафаккурига сингиб кетаётганига гувоҳ бўламиз. Аслида юртимизда бу кайфиятнинг бошланганига анча бўлган. Хоразмга хизмат сафари билан борганимда, Олимпия заҳираларига ихтисослашган коллеж мураббийлари, ўқувчилари билан суҳбатлашганман.

### Соғлом бола — миллат таянчи

"Спорт билан шуғулланиш, спортга қизиқиш руҳиятингиз, жисмингизда қандай ўзгаришлар пайдо қилди", тарзидаги саволимга аниқ, дадил жавоблар олганман:

— Спорт мени руҳий, жисмоний дангасаликдан қутқарди.

— Спорт одамни ўз вақтига ўзи эгалик қилишга, вақтни қадрлашга, ҳар бир дақиқадан катта қудрат борлигини англашга ўргатади.

— Спорт ор-номус, ғурур туйғуларини кучайтиради.

— Одамнинг ўзига бўлган ишончини мустаҳкамлайди. Инсон беқиёс имкониятларга эга эканини кашф этади...

Бундай фикрларни эшитиб ўзим ҳам оддий футбол ишқибози даражасидан баландлаб кетгандай бўлганман. Донишмандларимизнинг: "Спорт фақат томоша эмас, балки доимо ҳаракатда бўлишга ундовдир", деган ҳикматли фикри ҳам хаёл кенгликларимга ўрнашиб қолган.

Белбоғли кураш бўйича Осиё, Ўзбекистон чемпиони фарғоналик Дилафрўз Усмонова, таэквандо бўйича Осиё чемпиони, сирдарёлик Гулмира Тўхтамишева, навоийлик бадиий гимнастикачи, халқаро мусобақалар ғолиби Зарина Қурбонова, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминова маълум ва машҳур "Севинч" футбол командаси қизлари — хуллас, жуда кўп номдор спортчи қизлар ҳақида мақола тайёрлаш жараёнида улардан: "Мен Ўзбекистон байроғини жаҳон майдонларида баландга кўтариш орзуси билан мусобақаларга қатнашаман", дея такрор ва такрор айтилган бир фикр намойишдаги байрамлардай тасаввуримни ёлқинлантириб тураверади.

Давоми иккинчи саҳифада.

### Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги

## ЭРКЛИ ЮРТНИНГ ЭРКА ШОИРИ

Муҳаммад Юсуф ҳаёти ва ижоди ҳақида мунаққидлар, мухлислар, санъаткорлар кўп яхши сўзлар айтишган, ёзишган. Ҳали яна бисёр фикр-мулоҳазалар, таъриф, тавсифлар айтилади, ёзилади, тадқиқотлар яратилади. Зотан, у бунга тўлиқ муносиб, халқнинг дилидан жой олган халқ шоиридир.

Камсуқум, камтар, маъюс табассумли Муҳаммад Юсуфнинг турган-битгани шеър эди, юз-кўзидан сўз ёғилиб турарди. Шеърий тизмалари шу қадар табиий ва самимий, жозибадор ва мафтункор, содда ва теран, халқона ва мардона эдики, ўқиб, эшитиб беихтиёр лол қолардингиз.

**Қушдай учиб кучоғингдан дунё кездим,**  
**Кезиб-кезиб топганларим Соғинч бўлди.**  
**Қанча олис кетсам шунча қадринг сездим,**  
**Қайда юрсам ёди-меҳринг овунч бўлди.**  
**Айланайин қора қошу кўзингдан-а,**  
**Ўзингдан қўймасин халқим, ўзингдан-а!..**  
*(«Ўзингдан қўймасин, халқим»)*

Эли, Ватани ҳақида шеър ёзмаган шоир, асар битмаган адиб йўқ. Ватан ҳақида энг кўп ва энг хўп ёзганлардан бири Муҳаммад Юсуфдир. Буни оддий саноқдан ҳам, шеърларининг мавзу, моҳиятидан ҳам, китобларидан бири "Улуғимсан, Ватаним" деб номланганидан ҳам билса бўлади. Шоир баландпарвоз сўзларни, ясама ибораларни хуш кўрмас, юракка жиз этиб етиб борадиган, чўғли, таъсирли мисралар, ҳаётий мисол, тимсол, қиёслар билан юртининг бетакрор гўзаллиги, улуғворлигини тараннум этарди.

**О, ота маконим,**  
**Онажон ўлкам,**  
**Ўзбекистон жоним тўшай соянгга.**  
**Сендай меҳрибон йўқ,**  
**Сенингдек кўркам,**  
**Римни алишмасман бедапоянгга.**  
*(«Иқрор»)*

Давоми иккинчи саҳифада.

## СУЛОЛАНИНГ ГУЛЛОЛАСИ

**Дилноза табиатан ҳаракатчан, чаққон, зийрак, бир йўла бир неча ишни бажариб кета олиш қобилиятига эга қиз экани ҳақида эшитгандим. Яна унинг устахонага ташриф буюрган чет эллик сайёҳлар билан бемалол инглиз тилида суҳбатлашиши, сулоланинг еттинчи вакили бўлган бу қўли гул устанинг ишлари хорижда ҳам машҳурлиги ҳақида ғиждувонликлар фахр билан сўзлашади.**

Бу уддабурро қиз билан учрашувимиз телевидение учун кўрсатув тайёрланаётган вақтга тўғри келди. Жараёндан бўш вақтларда суҳбатлашдик. Биринчи саволимиз, албатта, сулола ва унинг бугунги қиёфаси ҳақида бўлди.




— Оиламизда шажара дарахти сақланиб қолган, — дейди Дилноза. — Болалигимданоқ уни ёддан биламан. Сулоламиз асосчиси уста Шамсуддин. Унинг уста Тош ва уста Эргаш деган ўғиллари бўлган. Ўғилларнинг кичиги — уста Эргашдан бизнинг авлодимиз бошланган. Кейин уста Нарзулла дунёга келиб, сулоламиз шу одамнинг номи билан кетган. Бобомиз Нарзуллаевларнинг бешинчи авлоди бўлган. Оиламизнинг шиори шундай: "Анъаналарни сақлаган ҳолда олға интилиш".

Мен сулоланинг энг бахтли давомчилариданман. Мустақиллик ўз севимли ишим билан эркин шуғулланишим, маҳоратимни ошириб боришим учун барча имкониятларни берди. Юксак малакали уста бўлган бобом эса ўзининг бетакрор асарларини яширинча ишлашга мажбур бўлган. Чунки ўшанда хусусий ишлаб чиқарувчиларга қарши кураш даври эди. Ўзбекистон сопол ҳунармандлигининг тарихий марказларидан бўлган Ғиждувонда ўтган асрнинг қирқинчи йиллари бошида қирқдан ортиқ устахоналар фаолият кўрсатган.

→ 5

## БОБУР ТУҒИЛГАН ДИЁРДА

**Буюк қомусий аллома, шоир ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 531 йиллиги муносабати билан мамлакатимизнинг барча вилоятларида кенг миқёсда бобурхонлик кечалари, адабий анжуманлар ва мушоиралар бўлиб ўтди.**

Заҳириддин Муҳаммад Бобур туғилган диёр — Андижонда ушбу табаррук сана адабиёт байрами сифатида тантанали нишонланди.

Тошкент шаҳри ва бошқа вилоятлардан бобурхонлик анжуманида иштирок этиш учун Андижонга келган шоирлар, ёзувчилар, олимлар, санъаткорлар Андижон вилоятининг кенг жамоатчилик вакиллари ва талаба-ёшлари билан биргаликда Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан аталадиган кўркам хиёбонда йиғилдилар. Шоирнинг Ватан ва Она диёрни тараннум этувчи ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалар ва наволар эрта тонгдан янграб турди. Йиғилганлар Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг муҳташам ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйди.

Тадбирни Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Шаҳзод Турсунов очиб, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адабий меросига мустақиллик йилларида юксак эҳтиром ва ҳурмат кўрсатиб келинаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, Халқ шоири Сирожиддин Саййид улуғ бобокалонларимиз, шу жумладан, Бобур Мирзо ҳам ўз китоблари, миллий ва умуминсоний қадриятлар юксак даражада тараннум этилган асарлари билан олам аҳли кўнглини, ақлу шуурини ҳамон забт этиб келаётгани ҳақида фикр билдирди. Яқинда польшалик олим Януш Кжижовский Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари ва рубоийларини польяк тилига таржима қилгани ва Варшавадаги нуфузли нашриётлардан бирида Бобурнинг китоби кўп нусхада нашр этилгани ҳақида маълумот берди. Бугунги кунда польшалик шеърият мухлислари ҳам Бобур бобомизнинг дилбар ғазалларини ўз она тилларида мутолаа қилиш имкониятига эга бўлди.

### Тадбир

Ўзбекистон халқ шоири Тўлан Низом, Ёзувчилар уюшмасининг Андижон вилояти бўлими раҳбари Хуршида Қўчқорова, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Саидабону Абдусаломова Бобур Мирзонинг ўлмас асарлари жаҳон адабиётида бадиий, илмий тафаккурнинг юксалишида, шу билан биргаликда бугунги ёш авлод маънавиятини янада бойитишда муҳим аҳамиятга эга экани ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадали Абдуқундузов ва Бобур номидаги Андижон вилоят мусиқали драма театри санъаткорлари намойиш этган саҳна лавҳалари барчага манзур бўлди.

* * *

Андижон шаҳрининг Боғишамол даҳасида жойлашган Бобур жамоат фонди биносида "Бобур ва адабий муҳит" мавзуида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларидан ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган бобуршунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Фонд раҳбари Зокиржон Машрабов Бобур жамоат фондининг 2013 йилдаги фаолияти ва 2014 йилда белгиланган режалари ҳақида маъруза қилди. Атоқли олимлар Ваҳоб Раҳмон, Ҳамидулла Болтабоев, Дилмурод Қуронов, Абдулла Аъзамов, Мирмаҳмуд Мирсайдуллаев, ўсимликшунос олима Дилором Ёрматова ва бошқа тадқиқотчилар Бобур давридаги Андижон адабий муҳити, бугунги насрий ва шеърий асарларда Бобур образининг ёритилиши, илмий-тарихий манбалар асосида нашрга тайёрланаётган "Бобур энциклопедияси", "Бобурнома"да битилган ноёб ўсимликларнинг бугун Бобур боғида парвариш этилаётгани, Бобур даври табобатига оид янги тадқиқотлар ва бобуршуносликнинг бошқа масалалари юзасидан маъруза қилдилар.

Анжуман доирасида Бобур лирикасига бағишланган назм ва наво кечаси бўлиб ўтди. Шоирлар Энахон Сиддиқова, Зиёвиддин Мансур, Замира Рўзиева, Рустам Мусурмон, Наби Жалолиддин, Икромжон Аслий ва бошқа ижодкорлар Бобур Мирзога бағишланган шеърларини ўқидилар.

"Ниҳол" мукофоти совриндори Илёсбек Арабов ва андижонлик хушовоз хонандалар ижро этган мумтоз ашулалар тадбирга файз бағишлади.

## "БЕКАТДАГИ ОДАМ"

### Тақдимот



Пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги кино саройи ҳамда Кинochилар уйида "Ўзбеккино" миллий агентлиги буюртмасига кўра "Ўзбекфилм" студиясида суратга олинган "Бекатдаги одам" бадиий филмининг тақдимоти бўлиб ўтди. Ёш режиссёр Темур Мусоқов режиссёрлигида яратилган ушбу картина бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланган — йўл ҳаракати хавфсизлиги мавзуига бағишланган.

Филм шаҳардаги бекатларнинг бирида оламдан ўтган уч нафар бегуноҳ йўловчи қисматидан сўйлайди. Дастлабки тергов-суриштирув ишларига кўра, бу фожиа бахтсиз тасодиф деб топилади. Машинада юрак хуружини бошидан ўтказган ҳолатда топилган Шерхонов (Ёдгор Саъдиев) одамларни уриб юборгани таъкидланади. Бироқ ишни синчковлик билан ўрганишга киришган прокуратура терговчиси Суҳробов (Фатҳулла Маъсудов) бу хулосага унчалик ишонмайди. Натижада у чигал жумбоқнинг тагига етишга муваффақ бўлади. Машинани Шерхонов эмас, унинг арзанда, кўчабезори ўғли маст ҳолатда ҳайдагани исботланади.

Филм бир қарашда детективдек туюлади, бироқ воқеалар ривожини кузатиб борар экансиз, унда психологик драма унсурлари мавжуд экани кўринади. Чунки картина қаҳрамонларининг руҳий, ҳиссий кечинмаси ижодкорлар томонидан маҳорат билан кўрсатилган. Бундан ташқари, филмда оператор Азизбек Арзиқуловнинг тасвирий ечимларини ҳамда Мария Сошинанинг рассомлик топилмаларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сценарий муаллифи Зулфиқор Мусоқовнинг фикрича, филм инсон ва характерлар, одам ҳаётининг қадри, масъулият ҳақида. Афғон урушида 10 йилда 15 минг аскар нобуд бўлган бўлса, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳар йили 70 минг киши йўл ҳаракати ҳодисалари қурбони бўлаётгани ҳақидаги даҳшатли рақам томошабинларни мулоҳазага чорлаши шубҳасиз.

**Дилдора БЕРДИБЕКОВА**

## ШОИРНИ ЁД ЭТИБ

Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан Қашқадарё вилоятида Адабиёт кунлари бўлиб ўтди. Адабиёт кунлари доирасидаги тадбирлар "Шўртаннефтгаз" шўъба корхонаси ишчи-муҳандислари ҳузурида учрашувдан бошланди. Тадбирни Қашқадарё вилояти ҳокимлиги маънавият тарғибот маркази раҳбари Лола Саодатова очди. "Жаҳон адабиёти" журнали бош муҳаррири Шуҳрат Ризаев, Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Исмоил Тўхтамишев, шоир Абдунаби Бойқўзиев, "Шўртаннефтгаз" шўъба корхонаси бош муҳандиси Ш.Насимов, корхона касаба уюшмаси раиси А.Маматқулов ва бошқалар сўзга чиқиб, Муҳаммад Юсуфнинг ҳаёт йўли, шоир ижодида Ватан ва истиқлол мавзуларининг юксак маҳорат, жўшқин руҳ билан тараннум этилгани ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Вилоят божхона қўмитаси ва Қарши шаҳар санъат коллежида ҳам адабий анжуманлар бўлиб ўтди.

**Ёзувчилар уюшмаси ахборот хизмати.**

# ЭРКЛИ ЮРТНИНГ ЭРКА ШОИРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

"Иқрор" шеъридаги бу мисралари беихтиёр Ғафур Ғуломнинг "Лондон, Париж, Румога алишмайман кўҳна Шош" мисрасини эслатиб, шоирнинг устозлардан кўп нарса ўрганганидан, юрт шаънига янги оҳанг, янги ташбеҳлар топганидан далолат беради.

Қутлуғ мавзуларда сўз айтиш қанчалик масъулиятли ва айни пайтда шарафли эканлигини чуқур ҳис этган шоир "Муҳаммадга мактуб" шеърида ўзига, ҳамкасбларига шундай қатъий талаб қўяди:

**Лочин кўкда нетар кўзи ўтмаса,**
**Синдир қаламингни сўзи ўтмаса.**
**Ватан десанг ўпканг тўлиб кетмаса,**
**Шеър ёзишга бало борми, биродар!...**
*(«Муҳаммадга мактуб»)*

Шоир бир неча, ҳатто биргина чизги билан ҳам Ватан сувратини, халқ сийратини, одам тийнати, нарса хислатини чизишга ("Бир тўкилиб, тағин қомат тикладик", "Оқ яктаги янглиғ оппоқ муроди", "Қушнинг инини ҳам бузгиси келмас" ва ҳоказо), кутилмаган қиёслар, фавқулодда мисоллар, лафзий, маънавий санъатлар орқали образ яратишга моҳир эди.




**Мен таъзим қиламан буғдой пойига,**
**Ҳали ҳеч кимса-ку бошин эгмаган.**
**Одамлар бор ахир, туққан жойига**
**Бир бошоқ буғдойча нафи тегмаган.**
**Чўксин қошингизда тоғлар, қоялар,**
**Сиз шунга лойиқсиз, буғдойпоялар.**
*(«Буғдойпоялар»)*

Назмлари, назарингизда, қайнар булоқдай, мисралари тоғ бағридан ўйноқлаб оқиб келаётган шалолалардай. Баъзилар наздида Муҳаммад Юсуф учун шеър ёзиш сув ичгандай, писта чаққандай осон туюлиши мумкин. Ҳолбуки, унинг учун ҳар бир сўз, ибора, образ узоқ изланиш, ўйланиш, қайта-қайта ишлаш, тунларни уйқусиз ўтказиш натижасида юзага келганлиги, озу соз ёзганлигини рафиқаси Назира Саломова кўп хотирлайди. Дарҳақиқат, битта шеъри олтиетти шеърга татигулик, бир китоби бир неча китобнинг ўрнини босгулик. Ўйлаб ёзди, ўйнаб ёзди, кулиб, ҳиссиётга берилиб, йиғлаб ёзди, мухлислари кулиб, ҳаяжонланиб, йиғлаб ўқишди, ёд олишди. Бастакор, ҳофизлар шоирни излаб келишди, назмларини севимли қўшиқларга айлантиришди.

Устоз шоиримиз Эркин Воҳидов ташбеҳидан фойдаланиб айтганда, Муҳаммад Юсуф дуторининг тори ҳам иккидур: бири дилхуш, бири дилхун. Дилхун шеърлар, оғриқли сатрлар, асосан, мустабид тузум йилларида, дилхуш нақшлар мустақиллик, ҳурлик даврида яратилган.

Замон дарди, ҳаёт зарби шоир юрагини тирнаб ўтиши ростлигига Муҳаммад Юсуф шеърияти ҳам далолат. Эрксизлик, ҳуқуқсизлик, пахта яккаҳокимлиги, қуриётган Орол, топталган қадриятлар, ўттизинчи йиллар қатағони, афғон муҳорибаси қурбонлари, "пахта иши"... ёш, таъсирчан йигит қалбида санчиқ бўлиб тугилди, ғамандуҳли, зардобли шеърлар бўлиб туғилди.

**Наҳорингда пахта, шомингда пахта,**
**Айвонингда пахта, томингда пахта.**
**Оқар оғу бўлиб қонингда пахта,**
**Нега йиғламайсан, аҳли Андижон?**
*(«Нега йиғламайсан»)*

Унинг эзгу мисралари, ўртовчи саволлари, туғилиб ўсган вилоятигагина эмас, бутун юртга қаратилгани англашиларли эди. "Бобур нидоси", "Қизил вагон", "Чўлпон", "Усмон Носир", "Ўғлонлар", "Фарғонажон", "Босмачилар", "Армон", "Санжар", "Марсия", "Фиғон", "Мен дардимни кимга айтаман", "Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо" каби шеърларини, "Қора қуёш", "Кўҳна қудуқ" достонларини ўқиганда, эшитганда бўғзингизга нимадир тиқилгандай бўлади, беихтиёр кўзингизда ёш айланади.

Муҳаммад Юсуф учун шеър доимий ҳамдам, бир малҳам, ширин ғам, гоҳ кўл етмас ҳилол, гоҳ бағритош санам эди. У қишлоқда туғилган, табиат қўйнида улғайган йигит эди, табиат фарзанди, унинг ошиғи, шайдоси эди, беғубор шоир она табиатни соф, тоза, бут ҳолда кўргиси келар, шуни тилар эди. Дарёга, булбулга, ялпизга, лолақизғалдоққа, капалакка, буғдойпояга, отга, кийикка, балиқларга атаб шеърлар битган. "Менинг оғам — оқтерак, Менинг онам — мажнунтол", дейди бир шеърида. "Кел туғишган оғанг бўлай ман, Жайрон, нега кўзинг тўла ёш", деб ёзади "Эрка кийик" шеърида. "Ўртоқ қумурсқалар, менга ишонинг", дея мурожаат этади жажжи, заҳматкаш ҳашаротларга.

Мустабид замонда халқнинг катта дардини куюниб куйлаган шоирнинг Истиқлолни қанчалик ташналик билан, шод-хуррам кутиб олгани, ғурурланиб қўшиққа солгани, тўлиб-тошиб тараннум этганини тасаввур қилса бўлади. "Ҳур ўлкам", "Ўзбекистон", "Чаманистоним", "Фидойилар", "Тилак", "Иншооллоҳ", "Дунёларни қучди ўзбек деган ном", "Ўзингдан қўймасин халқим", "Бободеҳқоним", "Ёшлар мадҳияси", "Муҳаммадқодир" каби шеърлар, достонлар бирин-кетин пайдо бўлди.

Муҳаммад Юсуфнинг ҳар бир шеъри, достони, мақоласи, интервьюси маданиятимиз, маънавиятимиз, қадриятларимиз, миллий мафкурамизга бевосита, билвосита дахлдор иш эди. Шоир ижодига хос яна бир хусусият шундаки, унинг айрим шеър, достонлари, мақола, суҳбатлари нозик, тагдор юмор, гоҳ нордон, гоҳ аччиқ кулги билан йўғрилган. Саксонинчи йиллар охирлари ва ундан кейин ёзилган "Тўн ҳақида шеър", "Дўппи", "Ўзбекфилм" ижодкорларига", "От ҳақида баллада", "Туркман қизга уйланаман" каби тизмалари шоирнинг синчковлиги, кузатувчанлиги, кичик воқеа, деталдан катта маъно чиқара олиш маҳоратидан далолатдир.

Муҳаммад Юсуф таникли олим Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг куёви эди. Устоз билан анча йил бирга ишлаганмиз, ҳамкорликда бир қанча мақола, "Толибнома" номли китоб ёзганмиз, ўн йилча қўшни бўлиб яшаганимиз, қадрдонлигимиз боис уйларига бориб турардим. Муҳаммад Юсуф, Назира қизалоқларини етаклаб, "Бодомзор"даги қадрдон хонадонга келиб, Ғайбулла ака, Шаҳрибону опа ҳолларидан хабар олиб туришганига гувоҳман. Янги оила ўзини тутиб олгунича Ғайбулла ака уларга кўп моддий, маънавий ёрдамлар кўрсатган. Муҳаммад Юсуф юртга танилиб, шеърлари, китоблари чиқиб, топиш-тутиши яхши бўлгач, кексайиб қолган қайнота-қайнонаси ҳолидан тез-тез хабар олар, далда берар, тадбирларида бош-қош бўлар, қўлидан келганини аямасди. Бу хонадонда камсуқум шоир ўзини одатдагидан камтар, ҳушёр тутарди. Кўп гапиргани, ҳатто шеър ўқиганига гувоҳ бўлган эмасман. Устоз олим ҳам куёвидан маслаҳатларини дариғ тутмас, насиҳатбозликдан, ёшлар ҳаётига аралашаверишдан ўзини тиярди. "У бамисоли бир шамол тегса, меваси тўкиладиган серҳосил дарахт. Силкитсанг, шеър ёғилади. Мухлислари, дўстлари кўп, ҳасадгўйлари ҳам бордир, ўзи ҳам ёзган-ку. Ишқилиб, юртимиз, халқимиз, адабиётимиз, қизим, невараларим бахтига омон бўлсин", дерди.

Фидойи олим ва фидойи шоир тақдирларида ҳам қандайдир ўхшашлик бордек. Фан арбоби, профессор Ғайбулла Саломов ТошДУга Миллий университет мақоми берилганидан беҳад ҳаяжонланиб, фахрланиб, минбарда гапираётиб, жон таслим қилди. Халқ шоири Муҳаммад Юсуф бир ярим йил ўтиб Элликқалъада минбарда эҳтирос билан юртини шарафлаб шеър ўқиётиб ҳушини йўқотди, маълум муддат ўтгач вафот этди.



Эли, юртини ардоқлаган фидойи инсонларни эли, Ватани, Юртбошиси ардоқлашига "Лафзи шеър билан рост" Андижон фарзанди Муҳаммад Юсуфга кўрсатилган, кўрсатилаётган эъзоз, эътибор ёрқин мисолдир.

**Сайди УМИРОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси**



# КЎНГИЛ КИШИСИ ЭДИ

Ёднома

Олтиариқнинг Оқбўйра қишлоғида фариштадай шоирам бор эди. Нозиккина бўлса ҳам сўзлари залворли, диловар, овозлари қўнғироқдай эди. Пиликдай қошлари ўсмали, бармоқлари хинали эди Мақсудахоннинг. Илк шеърлари биланоқ азиз устозимиз Зулфияхонимнинг назарига тушган эди. "Эзгуликнинг оппоқ қушлари" туркумини жаннатмакон устозим қайта-қайта мақтагандилар.

У 1980 йиллар ўрталарида ўткир муаммоли мақолалар ёзиб, қишлоқ аёлларининг ўша даврдаги оғир меҳнат шароитларини қаламга олган, ҳақ сўзлари, журъати учун уни ўзи дарс бераётган мактабда яхшигина "сийлашган" эдилар. Мақсуда шеър ёзаётганида Оқбўйранинг толлари, райҳону ялпизлари, ҳилпираган шабадалари опасининг суҳбатига шошилган сингилдай унинг сатрларига кириб келарди. Турналарнинг патларидан тўкилган укпар наволарга ўхшарди унинг байтлари. Шеъриятидаги нафислик, жозиба, ёрқинлик ўқиганларни мафтун этарди. У кўнгил кишиси эди. Ёзганлари кўнгилнинг малҳами эди. Унинг ҳар бир янги туркум шеърлари, ҳар бир китоби адабиёт муҳиблари учун байрам бўларди. Биздай опаларидан дардлироқ эди. Фарғона шоираларининг оташзабони эди. Таҳририятларга юборган шеърларининг орқасидан суриштириб юрмасди. "Саодат" журнали ва "Гулчеҳралар" газетасида чоп этилган асарлари кўпгина шеърлар ичида дурдай яроқлаб турарди.

Замона зуғуми Мақсуданинг онасини оловга ем қилди. 8 ёшида волидасидан етим қолган Мақсуда то гўшангага киргунча қанча хўрликларни кўрди. Собиқ шўро тузуми унинг момолари, ота-онаси, қайнотасининг бошида қилич ўйнатганини у "Кўнгил дафтари" воқеий қиссасида қаламга олган.

Шеърият уни ойдин йўлларга олиб чиқди. Элга танитди. Азиз қилди. Бир неча китоблари билан адабиётимизда қадру эътибор топди. Президентимиз Фармонига биноан "Меҳнат шуҳрати" ордени билан тақдирланди.

2013 йилнинг сентябрида уни "Дўрмон" ижод боғидаги байрамда кўрган эдим. Опажон, деб келиб даврамизга қўшилди. Ийманибгина янги ёзган "Кўнгил дафтари" асарини қўлимга тутқазди. Сизга ва устоз Иброҳим акага маъқул келса, нашрга бераман, деди.

Мақсуда бу асарини ёзаётганида қоғозга ўт тушмаганига ҳайронман. Тақдирлар, аянчли қисматлар, фожеалар, инсон чувалчангдай оёқ остида хор бўлган йиллар тафсилоти юракни ўртаб юборади.

Янги йилдан уч кунгина аввал қўнғироқ қилиб аҳволи яхшилигини, қўлёзмани таҳрир қилиб чиққанини ва январ ойида Тошкентга келишини айтган эди. Афсус... Ўлим чавандози айни камолот ёшида, ижодий куч-қувватга тўлган паллада бу жўшқин шоирани фано гулшанига олиб кетди.

Фарғоналик оқибатли сингилларим Мақсуда Эргашеванинг руҳини шод этиб, унинг янги китобини чоп этишга шаҳд қиладилар, деб умид қиламан.

Эл-юрт учун қилган меҳнатларингиз бошингизга соябон бўлсин, унутилмас шоирам, Мақсудажон!

**Ойдин ҲОЖИЕВА**

---



## "ЁШЛИК"

**2014 йил, 1-сон**

Журналнинг илк саҳифаларида берилган Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжоннинг "Ижод илоҳий саволларга жавобдир" сарлавҳали дил изҳори ҳамда бир туркум янги шеърлари ижодкорнинг мухлисларига, муштарийларга яхши бир туҳфа бўлган.

Таниқли ёзувчилар Асад Дилмурод, Абдуқаюм Йўлдошев, Ғулом Карим, ёш носирлар Анвар Намозов, Фозил Фарҳоднинг ҳикояларида замондошларимизнинг қиёфалари, аждодлардан ибрат бўлгули фазилатлар, ахлоқ-одоб мавзулари қаламга олинган.

Туйғуларнинг мисоли теран тортилган ёйдай шиддатли ва тимсолларга уйғун таъсирчан ифодаси таниқли шоира Ҳалима Худойбердиеванинг янги туркум шеърларига хос хусусиятдир. Шунингдек, журналнинг ушбу сонида шеъриятимизнинг навқирон авлоди вакиллари Гулноз Мўминова, Гули Нигор, Солиҳа Олимова, Ўктам Садин Гулизебо шеърлари, "Биринчи учрашув" рукнида ёш қаламкашлар машқлари эълон қилинган.

Журналларни варақлаганда

Жаҳон ҳикоячилигининг дарғаларидан бири Мопассаннинг "Интиқом" асари (рус тилидан М.Азимова таржимаси), Л.Раҳимованинг "Бадиий конфликт талқини" мақоласи ҳамда Р.Манноповнинг "Уйғон, кўксим ноласи" сарлавҳали тақризини ҳам журналнинг ушбу сонида ўқийсиз. "Елпуғуч" рукнида Эшқобил Валининг "Қабул" номли ҳажвияси берилган.

## "ҲАБИБ УС-СИЙАР ФИ АХБОРИ АФРОДИ БАШАР"



Ўрта асрларда жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган олимлардан бири Ғиёсиддин ибн Ҳумомиддин Хондамир (1476-1534) мураккаб ва таҳликали замонда яшаган бўлса-да, баракали ижод қилиб, ўндан ортиқ китоблар ёзиб қолдирди. Муаррихнинг "Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар" (Башар аҳли сийратидан хабар берувчи дўст) асари улар орасида алоҳида ўрин тутади. Форс тилида ёзилган мазкур асар ўша даврдаги Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистондаги сиёсий-ижтимоий ва тарихий воқеаларни ўз ичига олган.

Доимий ҳамроҳ

Улуғ аллома Навоий раҳбарлигидаги Ҳирот марказий кутубхонаси мудири бўлган Хондамир кейинчалик алғов-далғов даврни бошидан ўтказади. Ҳирот Темурийлар қўлидан кетгач Шайбонийлар, сўнгра Сафавийлар тасаррруфига ўтади ва табиийки, бошқа фозилу уламолар қатори Хондамир ҳам уларнинг хизматида бўлади. Аллома охир-оқибат яна темурийлар саройига — Ҳиндистонга отланади. 1528 йилнинг кузида Аграга етиб келган Хондамирни Бобур алоҳида ҳурмат билан кутиб олиб, унга етарлича улуфа тайинлаган.

Маълумки, "Бобурнома"нинг йўқолган қисм саҳифалари ҳалигача тўла тикланмаган. "Ҳабиб ус-сийар фи ахбори афроди башар"да "Бобурнома"ни тўлдирувчи нодир маълумотлар ҳам учрайди. Жумладан, 1511 йили Бобурнинг учинчи марта Самарқанд тахтига ўтириши, келаси йили Бобур ва Убайдуллоҳхон ўртасида бўлиб ўтган Кўли Малик жанги тафсилотлари, 1521-1522 йилларда Сафавийлар томонидан Кобулга элчи жўнатилиши, Қандаҳорнинг Бобур тасарруфига ўтиши каби тарихий маълумотлар Бобурнинг шоҳ асаридаги узилишларни тўлдиради.

Бу улкан салмоқли асар шарқшунос олимлар Исмоил Бекжонов ва Жалил Ҳазратқулов томонидан ўзбек тилига ўгирилиб, Бобур халқаро жамоат фонди ҳомийлигида "O'ZBEKISTON" нашриётида чоп этилди.

**Ботирали ЙЎЛДОШЕВ,**
**ҳиндшунос**

# КЎЗЛАРИДА ЧАҚИН, ҚАЛБИДА ЁЛҚИН

Бошланиши биринчи саҳифада.

Улардаги шижоат ва ўзига бўлган ишончни кўриб, спортчи қизларни ғурур дарахтида очилган гулларга қиёслагим келади. Бу дарахт илдизи — истиқлол имконларида, Президентимизнинг спортга бераётган алоҳида эътиборида намоён бўлмоқда. Зеро, жорий йилнинг "Соғлом бола йили", деб номланиши ҳам соғлом ва комил авлодни вояга етказиш йўлидаги эзгу мақсадга хизмат қилади.

Яқинда Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз раҳбарининг: "Болалар спорти объектларини қуриш ҳеч қачон тўхтамайди. Бу борадаги ишлар изчил давом этади. Азиз болаларимиз камол топадиган мажмуаларни шундай чиройли ва мустаҳкам қурайликки, бу биздан ўзига хос бир эсдалик, уларга меҳримизнинг ифодаси бўлсин", деган фикрларини эшитганимда бугун елкаларига спорт анжомлари солинган рюкзагини кўтариб, стадионларга, спорт мажмуаларига чопқиллаётган ўғил-қизларимизга ҳавасим келади.

Ахир, биз ҳам бола бўлганмиз. Минг шукр, ўз эркимиз ўзимизда бўлган мустақиллик замонларига етдик. Ўтмишни эслашнинг нима кераги бор, десак-да, баъзан эсламасликнинг иложи йўқ. Зотан, ҳақиқат қиёсларда кўринади, дейишади-ку!

Қишлоғимиз болалари ўрим бошланиб, бедапояларнинг бўшашини интиқлик билан кутишарди. Чунки улар ўша бедапояларда тўп тепишарди-да. Бошқа пайтлар терлаб-пишиб ёқалари тердан қорайган, сочлари манглайига ёпишиб тупроқли йўлларда югуришарди.

Мактабимиз стадионининг (агар шундай аташ мумкин бўлса) жиҳози симёғочга осилган арқону, ўртасига тўр тутилган икки ёғочдан иборат футбол дарвозаси эди. Биз қизлар волейбол ўйнасак, болалар арқонга тортилиб туришарди. Болалар тўп тепганда биз чеккада томошабин бўлиб турардик.

Шундай шароитда ҳам, чиллак отиб бўлсаям чопганмиз. Ойдин тунларда "кесак яширди" ўйнаб бўлса-да, спортнинг қайсидир бир турларига яқинроқ бўлганмиз. Инсоннинг руҳиятида ҳамиша ғолибликка интилиш бўлади. Бизнинг ибтидоий шароитдаги ўйинларимиз ҳам ўша интилишнинг содда кўринишлари эди. Лекин шоир айтганидек: "Имкондан ортиқроқ имкон топилмас" йилларда ғолиблик орзуси кўпинча орзулигича қолган. Ўша йилларда қишлоғимиздан бир гуруҳ йигитлар ҳарбий хизматни Челябинскда ўташган. Искандар ака деган бир қўшнимиз ўғлини кўргани бориб келгандан сўнг:

— Болаларимиз толчивикдай бўлиб сафнинг охирида туришибди. Йўлбарсдай-йўлбарсдай йигитлар олдида жуда ғариб кўринар экан, — деб кўзига ёш олганини эслайман. Ўша пайтда ўсмир қалбимга ўкинч келган эди. Негалигини охиригача англаб етмаганман-ку қалбимда бир қаршилик ҳис қилган эдим... Шукрки, бугунги ёшлар, бугунги оналар, бугунги оталар бу ўтмишдан йироқ. Чунки Юртбошимиз: "Оила қачон бахтли бўлади? Аёл қачон бахтли бўлади? Фарзандлари соғ-саломат бўлса... Бунинг



учун оилада соғлом муҳит шаклланиши, аввало, ота-она спорт билан шуғулланиши керак", дейди. Зеро, спорт билан шуғулланиш инсонни руҳан ва жисман бақувват қилади. Яъни, руҳи соғлом одамнинг жисмида касаллик бўлмайди. Жисми соғлом бола эса хушқомат ва дуркун бўлиб вояга етади.

Юртбошимизнинг бундай чорловлари, ундовлари бир тарафдан қадим қадриятларимизга бориб туташади.

Бақувват руҳ, жасорат, шаҳдамлик тарбияси халқимиз, миллатимиз учун ҳамиша алоҳида аҳамият касб этган. Атоқли ёзувчимиз Пиримқул Қодировнинг "Авлодлар довони" романида чавгон ўйинларининг жуда чиройли тасвирлари бор. Ўқисангиз ўша қизларга қўшилиб майдонга тушгингиз келади. Ундан ҳам аввалроқ ҳазрат Алишер Навоий асарлари қаҳрамонлари бўлмиш — қизлар отда юришади. Дейлик, Ширин тоғ қазиётган Фарҳод олдига отда келади. Тарихда шахматда "Шатранжи Дилором" деган атама бўлгани баъзи манбаларда тилга олинади. Бу шахмат ўйинининг ҳам аёллар билан туташ нуқталари бўлганини далиллайди. Демоқчиманки, халқ қадриятлари йиллар тўзони, замона чанглари остида қолса-да имкони келганда, ҳосилдор тупроқдаги уруғдек қайта кўкараверар экан. Халқ ёвларга қарши курашиш зарур бўлганда ўз Тўмарисларини, ер бағирлаган алпомишларни майдонга чорламоққа эҳтиёж туғилганда Барчинойларни яратган.

Бугун истиқлол юксакликларида туриб, буюк юрт, муаззам Ватан бўлмоққа чоғланаяпмиз. Бизнинг улкан орзумиз ушалмоғи учун минглаб Тўмарислар, Барчинойлар керак бўлади. Чунки буюк юртни буюк миллат яратади. Бу йўлда спорт энг синалган, энг ишончли тарбиячидир.

Эмишки, икки дўст бахт-саодат ахтариб йўлга тушишибди. Бир жойга келганида улкан харсанг тошга кўзи тушибди. Тошда: "Остида хазина бор", деб ёзилган экан. Биринчи йигит тошни ағдаргани ҳаракат қилиб кўради-да, қимирлата олмагач эринчоқлик билан, "Мен бу тошга термулиб ўтирармидим, энг қисқа йўлдан шаҳарга кириб бораман", дейди ва "қисқа йўл" белгиси қўйилган томонга равона бўлади.

Иккинчи йигит бор кучини сарфлаб тошни ағдаради. Тошнинг остига "Узун йўлдан илдам юрсангиз шаҳарга кирасиз, шаҳарга биринчи бўлиб кирган одам шоҳ бўлиб сайланади", деб ёзилган экан. Ўзини аямай тошни ағдарган йигит ёзувни ўқибоқ шамолдай еладиди ва узун йўлни тезда босиб ўтиб шаҳарга киради. Уни аҳоли подшо қилиб тахтга ўтқазади.

Бу бир ривоят, албатта. Лекин ривоят замирида: "Ким ўзининг мақсадига катта куч билан интилса, албатта, у халқнинг эътиборини қозонишдек бахтга лойиқ бўлади", деган фикр мужассам. Яъни, спортда ҳам худди шундай. Спортчи ғолибликни тинимсиз ҳаракат ва катта меҳнат орқали қўлга киритади. Демак, иззат-икром, шон-шавкат ҳаракатда. Спорт эса ҳамиша замонавий, ҳамиша мақсадли ҳаракатдир.

Дурдона Қорабоева деган каратэ бўйича кўпкарра чемпионлик тожини кийган қизимиз бор. Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси. У бир суҳбатимизда:

— Опа, бир пайтлар ўғлонлар ботир бўлсин, деб оналари, бувилари уларга йўлбарснинг юрагини едирар экан, кўзи ўткир бўлсин, деб бургутнинг кўзини овчилардан сўраб олиб кичкинтойларнинг қошу кўзларига сурар экан. Эҳтимол, бир қишлоқда саноқлигина она ана шундай қилгандир, эҳтимол бу ҳатти-ҳаракатлари билан оналаримиз азал-азалдан фарзандларининг ўктам ва жасур бўлиб вояга етишларини орзу қилиб келгандир...

Бугун бизга Юртбошимиз йўлбарскелбат йигитлар, нигоҳи ўткир сергак ўғил-қизлар вояга етиши учун минглаб спорт мажмуалари қуриб беряпти. Аёл мураббийларни кўпроқ тайёрлашга даъват қиляпти. Ҳар йил хотин-қизлар байрами арафасида юзлаб қизларга спорт анжомлари совға қилиняпти. Бу меҳр, бу эътибор бизга йўлбарсона шиддат, бургутона нигоҳ бермаслиги мумкин эмас.

Мен ўшанда Дурдонанинг сўзларида истиқлол имкониятларидан куч олган ёлқинни, кўзларида сўзларига эгиз чақинни ҳис қилганман. Бу аслида фақат Дурдонанинг эмас, ғолиблик орзуси, ғолиблик истаги билан яшаётган барча ёшларимиз қалбидан кечаётган туйғулар эканига шубҳа йўқ.

Зеро, спорт мусобақалари ва фан олимпиадаларида ютуқларни қўлга киритаётган фарзандларимиз юртимизда улкан кучга айланиб майдонга чиқаётган миллионлаб Ўзбекистон ёшларининг вакилларидир. Азму шижоатли, иродали ва кучли ўғил-қизларимиз ўз ютуқлари билан тенгдошларини ҳам ана шундай ғалабаларга руҳлантиради. Энг асосийси, улар соғломлиги, руҳан тетиклиги, ичга сиғмас ғайрати билан юртнинг ишонган тоғига, қалқонига айланадилар.



**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

Бадиий сўз масъулияти

# ТИЛ ЖОЗИБАСИ — МАҲОРАТ БЕЛГИСИ

**Истеъдодли ёзувчи қаламидан чиққан асар бошқача бўлади: илк саҳифасиданоқ диққатингизни тортади, мутолаага берилиб кетганингизни сезмай қоласиз... Хўш, китобхонни мафтун этадиган бундай ҳикоя ёки қисса жозибасини таъмин этган, бир ўқишда илғаб олиш қийин бўлган сеҳр манбаи нимада? Гап асар учун қизиқарли сюжет топилганидами? Воқеалар ишонарли, ҳаётий ифодалангани ёки характер яратилганидами, балки... Бир нарса аниқки, сюжет ҳам, воқеалар тасвири ҳам, характер ҳам сўз воситасида амалга ошади. Демак, сўз масъулияти, бадиий талқин маҳорати муаллиф салоҳияти, истеъдодини белгилаб берадиган асосдир.**

Шу нуқтаи назардан истеъдодли ёзувчи Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхоннинг "Оддий ҳақиқат" номли ҳикояси кўпчиликка манзур бўлди. Гап шундаки, муаллиф биз ҳар куни кўриб, кузатиб юрган воқеаларнинг "ичига" саёҳат қилади, яъни уларни энг майда деталларигача тадқиқ этади. Муҳими, бадиий талқинда образли ифода, самимий баён меъёрини асар якунигача бўшаштирмайди: "Бир акамиз ҳикоя ёзибдилар. Қаҳрамонлари қанот боғлаб бутун шаҳар узра учиб чиқади... Бинолар ўрнида турибди, дарахтлар жойида ўсяпти, ҳаммаёқда ҳаёт изи бор, аммо шу ҳаётнинг гултожи бўлган одам йўқ!". Ҳикоядаги кутилмаган қизиқарли эпизодлар бир оз ижодий фантазияга уйғунлиги билан беихтиёр китобхон диққатини тортади. Шу боис бундай антиқа воқеалар китобхонни ҳаяжонга солиши табиий: латифа, ривоятга ўхшаб туюлса-да, ўқувчи онгида фикр-мушоҳада жараёнини кучайтиради, мутолаага қизиқишини оширади.

Муаллиф воқеаларга аралашмайди, муносабатини билдирмайди, қаҳрамонининг ҳолати, кайфиятига хайрихоҳми, йўқми — бу сир тутилади. Китобхон эса беихтиёр одам қадри-қиммати ҳақида ўйлай бошлайди: хўш, ёнимиздаги, оиламиз ёки маҳалламиздаги одамларга, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерикмизми? Ўзганинг дардини ўз дардимиздек қабул қилишга қурбимиз етадими? Инсон деган шарафли номга лойиқмизми?

Ҳикояни ўқиб, ёзувчининг баён услубида зўриқиш, чиранишни кўрмайсиз, тасвир ҳам, талқин ҳам жимжимадорликдан холи, ибратли ҳикоятни тинглаётгандек воқеаларни кўриб, ўзингиз ҳам унинг иштирокчисига айланасиз. Дунё фақат бетакаллуф, лоқайд кимсалардан иборат эмас, аслида яхши инсонлар бисёр, деган эзгу туйғу кўнглингизга ёруғлик олиб киради. Муаллиф истеъдод нури билан сирли, синоатли ҳаётнинг биз ҳар куни кўрадиган, бироқ илғамайдиган жиҳатларини бадиий таҳлил этиб, таъсирчан ёрита олганига қойил қоласиз. Дарвоқе, Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон мақолаларидан бирида шундай ёзади: "Неча йиллар давомида "бор бўйича" тасвирлашга ўрганиб қолиб, қарашларимиз анча ўтмаслашиб, фикрларимиз саёзлашиб қолгандай. Масалан, биз кўпинча одамнинг, дарахтнинг, воқеа-ҳодисанинг, яъни оламнинг ташини кўрамиз, кўраётганимиздай тасвирлай ҳам оламиз, лекин ичини кўрмаймиз ёки ичига киргимиз келмайди. Сабабларни кўрамиз, таҳлил қиламиз, аммо сабабларнинг сабабчисини кўрмаймиз ёки ўзимизни кўрмаганга оламиз". Адиб "Оддий ҳақиқат" ҳикоясида ана шу кемтикларни тўлдиришга интилган. Шу ўринда муаллифнинг сўзга "хасис"лигини, масъуллигини, ифодада равонликка, тиниқликка эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бугунги кунда айни шу масала — бадиий сўзга масъуллик масаласи чоп этилаётган аксарият ҳикояларда талаб даражасида эмас. Чунончи, Жўра Фозилнинг "Янги боғларда" ҳикояси бошланишиданоқ мутолаага иштиёқни сўндиради. Асар матни оддий мақолани ўқигандек, характер даражасига кўтарилмаган персонажлар воқеаларни баён қилиш учунгина ҳикояга киритилгандек таассурот қолдиради. Мана, бир мисол: "Хуллас, синфдошлар ўрта мактабни битирганининг ўттиз йиллик оқшомини шу сарҳовузга туташиб кетган янги боғда ўтказишга қарор қилдилар ва бу ҳаммадан ҳам Жавлонларнинг собиқ муаллими Собир акага маъқул бўлди. У киши нафақага чиққан, ёши етмишни қоралаб қолган бўлса-да, ўқитувчига хос сергаклик, ҳозиржавоблик тарк этмаган фариштали отахон эди. Янги боққа ниҳол қадаётган болаларга уйидан тушлик олиб келиб "ҳайбаракалла" дея ишга ўзи бош-қош бўлганидан ҳам собиқ ўқувчиларининг бу жойни танлаганларини эшитиб беҳад қувонганди".

Ҳикояда болалик хотиралари баён этилади, аммо асарни тутиб турган бадиий юк енгил. Воқеалар бола тилидан ҳикоя қилинади, аммо баъзи ўринларда Камол оға ёки ака, Жамила опа деса, ҳикоянинг кейинги эпизодларида Жамила, Камол дейилади. Табиийки, уларнинг ёши боланикидан анча катта. Ҳикоя тили бадиийликдан холи, бир хил маъноли сўзлар қалашиб келаверади:

"—Ҳай, *нима* қилиш *керак*?

— Хеч *нима*, фақат *йўлбарслар* энди қорнини тўйдириши *керак*...

— Ҳай, *йўлбарсларга анжир* ҳам *бўладими*?

— Э, э, *бўлганда* қандоқ! Ахир, *йўлбарслар анжирни* жуда яхши кўришади! *Йўлбарс* қанча кўп *анжир* еса, шунча зўр *бўлади*!" (Таъкидлар бизники — **Ж.Х.**).

Асарда ўнга яқин персонажни учратасиз, бироқ улардан бирортаси ёдда қоладиган даражада ёрқин тасвирланмаган. Ўқувчилик даврида болалар хўжалик боғига кириб, доимо мева ўғирлаш билан машғул бўлишган. Лекин бундан ўқувчи қандай сабоқ олади. Аксинча, "Хўш, нима бўпти?", деган фикрга борар, эҳтимол. Сабаби оддий воқеалар баёнида бирор-бир жонли характер кўзга ташланмайди.

Бугунги наср ҳақида ўйлаганда А.Чеховнинг қуйидаги фикри ёдга тушади: "Ҳеч қандай сюжетнинг ҳожати йўқ, ҳаётда сюжет деган нарсанинг ўзи бўлмайди, унда ҳамма нарса: теранлик саёзлик билан, улуғ эътиқодлар пасткашлик билан, фожиавий нарсалар кулгили нарсалар билан қоришиб кетган". Эҳтимол, бу фикри билан улуғ адиб вақти келиб насрда қаҳрамонларсиз, сюжетсиз асарлар пайдо бўлишига ишора қилгандир. Дарвоқе, шундай асарлар ёзилаётир. Масалан, Луқмон Бўрихоннинг "Темир сандиқ" ҳикоясида анъанавий реалистик наср усулларидан чекинишни кузатиш мумкин.

Ҳаёт гирдобида алдамчи хаёлларга эрк бериш кишини тубсиз жарликка тортиб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Асар қаҳрамони ярим тунда уйидан чиқиб, эркинлик истаб тоғу тошларга, бепоён даштга равона бўлади. Йўлда тасодифан ичи тўла жавоҳир темир сандиққа кўзи тушади. Учқур хаёллари уни бир зумда дунёдаги энг бадавлат кишига айлантириб қўяди, ширин орзулар шамоли боякишни олис-олисларга учириб кетади: кўзни қамаштирадиган маҳобатли қасрлар қуриш, гўзал, тўкин ҳаёт илинжи кўнглини банд этган кимса сандиқни олис бир ғорга яшириш ниятида елкасига кўтариб олади. Ширин хаёллар елида учиб бораётган инсонга унинг оғирлиги ҳам сезилмайди. Аммо... темир сандиқни амал-тақал ғорга кўтариб кирганида кўрадики, таги йўқ экан! Кўнгил кўзини тўсган пуч ўйлар, алдамчи ҳислар мисоли тошга урилган биллур қадаҳдек чилпарчин бўлади. Ҳа, очкўзлик, мол-дунёга ҳирс кўзи билан боқиш, қаноатсизлик, ношукурлик кишини адоқсиз кулфатларга гирифтор этади.

Ҳикояда бу фикр очиқ-ойдин айтилмайди, аксинча, персонаж хатти-ҳаракати, характери шундай мантиқли, ҳаётий хулосага замин яратади. Асар тилининг жозибасини таъминлаган образли иборалар, равон бадиий талқинга қуйидаги парчалар далил бўла олади: "Танбал, бироқ ғоят кибрли нигоҳларинг чор-атрофни очкўзларча ялаб-юлқай кетди": "Тўғриси, темир сандиқ ботинидаги бисот сен учун мубҳам бўлса-да, юрагингнинг қайсидир бурчида битмас-туганмас бахтга ноил бўлганлигинг ҳақидаги иқрор қувонч қарсакларини чалиб турарди".

Анъанавий усулда ёзилган Асад Асилнинг "Ташналик" ҳикояси қаҳрамони Арслон чолнинг кампири "бир оқшомгина лоҳасланиб омонатини топширди-*қўйди*. Барваста, товуши довулдай гулдираб *юрган* чол бирдан ели чиққан шардай чўкди-*қолди*. Ҳар ҳолда бу кексаликдаги айрилиқ ўн йигитга ўрнини бермай *юрган* қарияни довдиратиб *қўйди*. Отанинг назарида *гўё* ўзи қатнашиб *юрган* давралардан бирдан файз кетди, бу олам ҳувиллаб бўшаб қолгандек эди *гўё*".

Юқоридаги иқтибос асарнинг илк саҳифасидан. Ҳикоядаги айрим сўзларнинг такрорланаётгани "ўн йигитга ўрнини бермай" каби топиб қўлланилган халқона ибораларга соя солиб турибди. Давомида ўқиймиз: "Бунга сабаб шаҳардаги турмушию хотини билан ўзларича чолни "чолдеворнинг бири *бўлиб* қолса кимга зиён, иснод гап *бўлади*", деб қилган режалари *ҳам* пуч *бўлди* ҳисоб. Эски уйларни бузиб, ўрнига янги иморат турғизишнинг *ҳам* ўзи *бўлмайди-ку*, у ёқда иш, рўзғор... Қолаверса, эндигина уйли *бўлган* жойида хотинини бу гапга кўндириш *ҳам* осон кўчмайди".

Ушбу парчада "бўлмоқ" феъли беш марта, "ҳам" боғловчиси уч марта кетма-кет келгани ҳикоя тилининг ҳали меъёрида ишланмаганини кўрсатиб турибди.

Муаллиф Арслон чол характерини чизишга уринганини эътироф этган ҳолда таъкидлаш жоизки, қаҳрамон тушган қайғули ҳолатлар баёни ўқувчида ачиниш, раҳм-шафқат ҳиссини уйғотмайди. Негаки, Арслон чол тирик инсон сифатида кўз ўнгимизда гавдаланмайди. Эҳтимол, бунга ҳикоядаги асосий мақсадга хизмат қилмайдиган қуйидаги каби узундан-узоқ, бадииятдан холи баён йўсини сабабдир: "У кута-кута эндигина орзусига эришган, шаҳарнинг чиройли қисмида қурилган иморатларнинг биридан тўрт хонали уй олганди. Бу уй иккинчи қаватда, болаларининг кичиклари ёнгинасидаги боғчага боришади. Хотини ўқитувчи, мактаб ҳам чақирса овоз етадиган жойда. Тўнғич фарзандлари, хотини билан қийналмай, ўқишга бориб келиб туришибди. Келди-кетди кўп, қишлоғидан шаҳарга тушганларнинг аксарияти Жавлонларникига қидириб боради. Хотини Муҳайё шаҳарда туғилиб ўсган, жуда одамохун, келган меҳмонни ош билан сийламаса, кўнгли ўрнига тушмайди. Хуллас, иккинчи маош қўлга теккунча биринчиси етиб туради".

Тўғри, айрим классик адибларнинг ҳикояларида ҳам персонажларнинг ҳаётига доир шунга ўхшаш тафсилотларни ўқиймиз. Лекин улардаги баён ўқувчини зериктирмайди, аксинча, қаҳрамонлар характерини очиб беришда бекиёс вазифани бажаради.

Америкалик машҳур ёзувчи Уильям Фолкнер ёзади: "Ёзувчининг масъулияти — ҳақиқатни ҳикоя қилишдир, ҳақиқатни шундай ҳикоя қилиш керакки, унутилмайдиган образга айлансин. Бирор нарсани оддийгина хабар қилиш, адолатсизлик тўғрисида ёзишнинг ўзи етарли эмас. Бу одамларга таъсир қилмайди. Ёзувчи бунга ўзининг истеъдодини қўшиши керак, у ана шу ҳақиқатни олиб, одамлар буни ёдда сақлаб қолишлари учун тагидан гулхан ёқиши керак. Ёзувчининг масъулияти худди шундадир". Бу сўзларни ўқий туриб беихтиёр Исажон Султоннинг "Шамолли кеча" ҳикояси ёдимга тушди.

Умр йўллари ҳамиша равон бўлавермайди, ундан қоқилмай-суринмай юриш учун киши доим ҳушёр, қийинчиликларга бардошли, уларни енгишга тайёр туриши лозим. "Овсарроқ қушлар қурган уяларни тамомила бузиб ташлаганида жажжи палапончалари чирқиллаганча ерга қулаб тушиб, ваҳший ҳайвонларга ем бўлишади". Ҳикояда қушлар тақдири тасвири бола ва қизча тушган мушкул вазиятга муқояса қилинади. Бола ва қизчанинг онаси вафот этиб, етим қолгани, демак, ҳатто инсонгина эмас, қушларнинг ҳам уяси бузилганда, аввало, палапонлар жабр кўриши юқоридаги кичик бир эпизодда таъсирли тасвирланган.

Ҳикояда бизнинг эътиборимизни тортган жиҳат — рамзийликнинг ўзига хос талқини асар муваффақиятини таъминлаган. Шамол детали фақат шамол ҳақида таассурот қолдирмайди. Адиб бу деталга гоҳида алғов-далғовли, қувончлару ташвишлар ичида кечадиган турмушда кузатганларини, ўйларини сингдирган.

Қуйидаги кўчирма эса асар тилига, ундаги сўзлар қайтариғига бепарволик оқибатидир: "Поёнсиз даштда, *шамолли* кечада мана шундай боришяпти-ю, *кишилар* орасида оғиздан оғизга ўтиб юрадиган ҳамма ваҳимали нарсалар ҳозир *шамол* қаъридан чиқиб келадигандай туюлмоқда эди. Пастак нотаниш буталар остида ёвуз жинлар бўлиши мумкин, улар шунақа *шамолли* кечаларда ёлғиз қолиб кетган *кишиларни* пойлаб изғишади. Шовуллаётган қорамтир дарахтларнинг устидан қилич кўтарган қора *киши* тушиб келишиям мумкин... Ҳа, аллақандай *кишилар* йўл устида ҳозиру нозир, бу суронда биров қичқирсаям эшитилмайди, ҳаммаёқни табиатнинг нолалари тутиб кетган маҳалда ўшанақа *кишилар* йўлларда, дарахтлар остидаю устида мана шунақа бемаҳалда йўлга чиққан *кишиларни* адаштириб кетишади".

Бугунги адабий жараёнга, хусусан, ҳикоячиликдаги ютуқ ва қусурларга доир кузатувларимизни таниқли тилшунос олим, профессор Н.Маҳмудовнинг қуйидаги фикри билан якунласак ўринли бўлар: "Босма нашрлар, катта-кичик китоблар тилининг рост ва расо бўлиши, уларда минг йиллик тилимизнинг тўғрилиги ва тароватини тўлиқ акс эттириш учун муаллифлар ҳам, муҳаррирлар ҳам масъулиятни ҳамиша ёдда тутишлари зарурдир".



**Жовли ХУШБОҚ**

Тақриз

# МАЪНАВИЙ МАЛҲАМ

## ёхуд заҳармуҳра

Аёнки, ҳар бир ижодкор билган, гувоҳи бўлган, кузатган, бошидан кечирган ва ўзини ўйлантирган ҳодисаларни қаламга олади. Бир сўз билан айтганда, кўпроқ ўзини «ёзади». Албатта, бунда ҳар бир ижодкор ўзига хос йўлдан боради: айрим адиблар воқеаларни киноя, пичинг, кесатиқ, истеҳзо билан маълум қилса, баъзилари майин, мулойим, беозор оҳангда баён этади. Айни ҳолат қаламкашнинг характеридан келиб чиқади. Ижодкорнинг ички дунёси, табиати эса унинг услубини белгилайди.

Таниқли адиб Нодир Норматовнинг ҳикоя, қисса, романлари, турли мавзудаги мақолалари ҳам бошқа ижодкорларнинг асарларига унчалик ўхшамайди. Унинг «Бисот» китобидаги қисса, ҳикоялари билан танишган китобхон, албатта, бунга ишонч ҳосил қилади. Ушбу «Сайланма»га ижодкорнинг бешта қиссаси, йигирма учта ҳикояси киритилган (Нодир Норматов, "Бисот", қиссалар, ҳикоялар. "Шарқ" НМАК, 2012).

Ҳар хил мавзуга бағишланган, сюжетлари тамоман фарқ қиладиган, турли пайтда битилган ушбу асарларни муаллифнинг дастхати — услуби, воқеликка ёндашуви ўзаро боғлаб туради. Муаллиф фикрини сўзлашув тарзимизга мос тарзда қисқа, аниқ, барчага бирдай тушунарли шаклда ифодалайди. "Бисот" қиссасида: "Аллақачон баҳор кирган бўлса ҳам бу ерларда уюлиб ётган қорлар энди эрий бошлаган эди. Аммо чолнинг димоғига болаликдан таниш тупроқ иси, тоғу тошлар ҳиди урилди. Бу қадрдон бўйиларни киши каттиқ изтироб чекаётганида, айниқса, кучлироқ туяди..." дейилади. Воқеа кечаётган манзил-макон, вақт-замонни қаҳрамоннинг ҳолат, кечинмалари билан уйғун ҳолда ифодалаш эса, ўз-ўзидан аён, ҳаёт воқелигини аниқ тасаввур қилишга имкон беради. Ёзувчи ўзи кўрган, кузатган, таъсирланган воқеаларни қаламга олади ва майда тафсилотларга берилмай, ҳодисалар кечаётган замон ва маконнинг энг муҳим жиҳатларига эътибор қаратади. Бу эса ижодкорнинг воқелик моҳиятини, қаҳрамон ҳолати, кечинмасини аниқ ҳис этганини билдиради. Нодир Норматовнинг қисса, ҳикояларида айни хусусият бўртиб туради.

Муаллиф замон, макон манзарасини чизишда ҳам, каҳрамонларнинг хатти-ҳаракати, ҳолати, кечинма-ҳиссиётларини ифодалашда ҳам аниқлик ва оддийликка интилади. Чунки у асари барчага бирдай тушунарли бўлишини мақсад қилади. Аммо фикрини ифодалашда жўнликка йўл қўймайди, ички ҳиссиётига таяниб, меъёрни сақлайди: эҳтиросга, публицистикага хос жўшқинликка берилиб кетмаганидек, мушоҳадаларини мураккаблаштиришга уриниб, эргашган қўшма гапларни қаторлаштириб ташламайди. Дарҳақиқат, «Бисот», «Дарахт тагидаги одам», «Жазо», «Исмоил тоға тарозиси», «Муқаддас балиқлар эгаси» қиссалари ҳам, «Менинг тош достонларим»и ҳам, «Заҳармуҳра», «Бир кун чумоли бўлиб...», «Кар момо», «Ойнинг оқ кўйлаги» каби ҳикоялари ҳам сюжетининг янгилиги, ифода услубининг содда ва аниқлиги билан эътиборни тортади.

«Бисот» муаллифи ифода усули тўғрисида сўз юритганда, қаҳрамонларининг ўзини ўзи таҳлилу тафтиш этиши асосий ўрин тутиши, айни жиҳат адибнинг барча асарлари, жумладан, «Кўзгудаги икковлон», «Рўзи Чориевнинг сўнгги васияти» романларига хос эканлигини таъкидлашга тўғри келади. Суҳбат-мулоқот, у ўз-ўзи билан кечадими ёки ўзгалар биланми, бундан қатъи назар, воқеликка турли жиҳатдан қараш, унга ҳар томондан ёндашиш имконини туғдиради ҳамда муайян ҳодиса тўғрисида атрофлича тасаввур, тушунча ҳосил қилишга имкон беради. Чунки ҳар қандай савол-жавоб мунозара тарзида кечади ва табиийки, бу ҳолат ҳодисанинг янги қирраларини кўриш, тушуниш учун етарли асос яратади. Қаҳрамонларнинг ўзаро суҳбати ҳамда ўз-ўзи билан мулоқоти уларнинг ички дунёси, маънавияти даражасини очиб берадиган асосий воситага айланади. «Дарахт тагидаги одам»да Эсонбой амакиси билан суҳбатлашганидан кейин беихтиёр отасига муносабати ва отасининг унга муносабати тўғрисида ўйланиб қолади. Амакисининг «дардли, ғамнок товуши» кутилмаганда унинг кўнглида бир-бирига боғлиқ саволларни туғдиради. Бу аччиқ, аламли саволлар Эсонбойни изтиробга солади, айни ўзи ҳақида аввал англамаган ҳақиқатларни билиб олишига туртки бўлади. Муаллиф шу тарзда ўзининг мақсади, нияти, асарида аслида нима демоқчи эканлигини қаҳрамонларнинг ички мулоқоти ҳамда ўзаро суҳбатларига сингдириб юборади.

Ёзувчининг қисса, ҳикояларини умумлаштириб турадиган яна бир муҳим жиҳат, улар қизиқарли сюжетга қурилганида кўринади. Сюжет тизимидаги воқеалар саргузашт-детектив асарларга хос шиддат билан эмас, аксинча, оҳиста ривожланиб боради. Энг муҳими, қаҳрамонлар муаммоларга дуч келгани сайин ўзининг кечмишини, ҳолатини таҳлил қилиб, хатоларига астойдил иқрор бўлади, гуноҳлари учун ўзи олдида, бошқалар қаршисида тавба-тазарру қилади. Аксарият ҳолларда бошидан кечирадиган ўзини англаш жараёни уларнинг қалбини поклаб, онгу шуурини ёриштиради.



«Бир кун чумоли бўлиб...» нафақат ёзувчи ижодидаги, балки ўзбек ҳикоячилигидаги энг яхши асарлардан биридир. Ушбу мажозий-реалистик асарда ёзувчи сирли борлиқнинг бошқаларга кўринмайдиган қирраларини очади, табиатдаги энг майда жонзотлар ҳаракатидан ҳам теран маънолар илғай олиш иқтидорини намойиш этади. Ҳикоя хаёлий мулоқотга асосланган. Воқеалар биринчи шахс тилидан нақл қилинади. Қаҳрамон «сўқмоқ пастидаги йўл ёқасида чулдираб турган чашма бўйида ўсган, бир қарич келадиган гиёҳни узиб, қабристонга қараб кетар экан, хаёл билан қўлидаги гиёҳни оғизга соладию, кулоғи шанғиллаб, миясига қон уриб, гандираклаганча ўтириб қолади ва чинкиллаб сўзлашаётган чумолиларнинг тилини тушунаётганини сезиб қолади. Сўнг худди туш кўраётгандай улар билан мулоқотга киришиб, ўтмишини эслаб, ўзи тўғрисида, бошқалар ҳақида кўп нарсаларни билиб олади». Ушбу ҳикоя сюжети, конфликти анъанавий асарларга ўхшамайди.

«Сайланма»даги қисса, ҳикояларда асосий қаҳрамонларнинг тор манфаатпарастлик деворини ёриб, инсоний ҳақиқат томонга ўтгани диққат марказига қўйилади. Хусусан, «Муқаддас балиқлар эгаси»даги Ўтамурод, «Заҳармуҳра»даги Жонмурод шундай қаҳрамонлар сирасидан. «Жазо»даги Мерган момо образида ҳам шу ҳолат кузатилади. Ушбу қаҳрамонларнинг руҳияти тасвиридан шундай хулоса чиқадики, қалбида заррача эзгулик бор инсон ҳеч қачон тубанлик қаърида қолиб кетмайди. Энг жоҳил кишининг ҳам дилида кимгадир яхшилик қилиш истаги туради. Фақат бу кучни уйғотиш, одамларни ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга, ҳаётга муҳаббат билан қарашга, тирикликнинг ҳар бир лаҳзаси ғанимат эканини англашга даъват этиш, унга ибрат, сабоқ бўладиган намуналарни тақдим этиши керак.

Янги фикр айтишга интилиш ижодкорнинг «Ошиқтош ёки америкалик Тошболта ошиқ», «Ойтош», «Қайроқтош», «Тошкориз», «Кўктошлар», «Сайфи ака», «Панжи» ҳикояларида янада аниқ кўринади. Ушбу ҳикояларини ёзувчи «Менинг тош достонларим» деб номлаган. Бошқа халқлар адабиётида ҳам, ўзбек адабиётида ҳам гулга, дарахтга бағишланган шеърлар, балиқ, буғу, бўри, тулки, от, айиқ каби жонзотлар тўғрисида эртак, ҳикоя, қиссалар талай. Аммо тош ҳақидаги бадиий асарни ҳеч ким эсламаса керак. «Менинг тош достонларим»нинг бош қаҳрамони муаллифнинг ўзи. Ёзувчи уларда ўзининг бошидан кечган тош билан боғлиқ воқеаларни нақл қилади. Марказида тош образи турган айни ҳикояларда ҳам худди «Бисот», «Дарахт тагидаги одам», «Жазо», «Муқаддас балиқлар эгаси»даги каби кишилараро муносабатларнинг мураккаблиги ёритилиб, инсон маънавияти масаласига эътибор қаратилади.

«Тош достонлар»га қиёсланса, «Аёл овози», «Тоғда», «Ўқ», «Ёзнинг сўнгги кунлари», «Умрнинг икки куни», «Ҳуштаклар», «Баланд тоғлар қайда бор?» ҳикоялари китобийроқ экани билинади. Албатта, «Тош достонлари» ҳам адабиётда ўзлаштирилган йўлда битилган. Аммо бу анъанавий йўл «Тошкориз», «Сайфи ака», «Панжи», «Қайроқтош», «Ойтош»да ўзининг янгича жилолари, инсон қалбидаги армон, изтироб, соғинч туйғуларининг чиройли ифодасини топган. Энг муҳими, айни ҳиссиётлар табиийлиги ва самимийлиги билан диққатни жалб этади. Чумолиларнинг тартибли ҳаракатидан ҳикмат топган муаллиф тошларда сир-синоат мавжудлиги, жонсиз нарсалар ҳам бизнинг ҳаётимиз билан мустаҳкам боғлиқлигига эътибор қаратади.

Муаллиф бир воқеани эслаб туриб, шу воқеа ичидаги бирор одам ёки ҳолат билан боғлиқ бошқа воқеага ўтиб кетаверади, ҳозирги замон ўтмишга ўрин бериб, макон-манзиллар алмашинади. «Ошиқтош ёки ...», «Ойтош»да асосий воқеа уммон ортидаги шаҳарда кечса-да, муаллиф ўша ерда, ўша пайтда туғилиб ўсган қишлоғи одамларини эслаб, Пошхурдсой тошларини хаёлан тасаввур қилиб, уларни Ойдан келтирилиб, музейга қўйилган тош билан таққослайди: "Мен бир пайтлар Осиё қитъасининг олис бир тоғ орасидаги қишлоқда ўсган боланинг Америка қитъасига бориб, ойтошни кўриб келиши... тушга хам кириши мушкул воқеа-да. Аммо у негадир суратда кўрганим ойтошга ўхшамас эди. Бу тош худди қишлоғимдаги Пошхурдсойдаги ўзим кўриб, ўйнаб катта бўлган қайроқтошни эслатар эди».

«Тош достонлари» оламда ҳеч бир нарса бежиз яратилмагани, бутун борлиқ инсон учун дарсхона қилиб қўйилгани, теварак-атрофдаги барча жонлию жонсиз нарсани ўқиш, улардан сабоқ олиш зарурлигини таъкидлайди.

«Сайланма»даги қисса, ҳикоялар юртимизнинг табиати гўзаллигини, ундаги ҳар бир гўша бетакрор кўрк-у тароватга эгалигини, кишиларимизнинг феъл-атвори, ўзаро муомала-муносабатларининг адабиётда акс эттирилмаган жиҳатлари кўплигига эътиборни қаратади. Ўзининг феъл-атворидаги қусур, иллатларни англаб, моддий дунё ташвишларига чалғиган, онгу шуурига маънавий малҳам — заҳармуҳра зарурлигини ҳис этган замондошларимизнинг кўрган-кечирганлари, бугунги куни тўғрисидаги ўй-кечинмалари, ўзаро муносабатлари акс эттирилган «Бисот» китобидаги асарларда қатор фазилатлар баробарида муайян етишмовчиликлар ҳам кўзга ташланади. Аввало, уларда таҳрирталаб жумлалар, имло хатолари анчагина. Айни камчилик, қусурлар таҳририят муҳаррирининг қисса, ҳикоялар матнига жиддий ёндашмагани билан ҳам боғлиқлиги аниқ сезилади. «Дарахт тагидаги одам», айниқса, «Исмоил тоға тарозиси» қиссасида сюжет асосидаги конфликт бир қадар енгил ечим топгани билинади. Ҳар иккала асарда воқеалар авж нуқтага етганида бирдан тўхтаб қолади. Қаҳрамонларнинг кейинги ҳолати умумий тарзда баён қилинади. Бу эса ўқувчини қониқтирмайди. «Бисот», «Муқаддас балиқлар эгаси», «Жазо» қиссалари якунида ҳам воқеаларнинг табиий оқими эмас, муаллифнинг асарни тезроқ тугатиш истаги устунлик қилгани сезилади.

Умуман олганда, ўлкамизнинг мафтункор манзилларидаги сокин ва жўшқин ҳаёт манзаралари меҳр билан чизилиб, феъл-атвори, дунёқараши бир-бирига ўхшамаган, ўзининг ва бошқаларнинг дардига маънавий малҳам излаб, атрофидаги одамларнинг феъл-атворидаги иллатларга ачиниш ҳисси билан қараётган замондошларимизнинг маънавий бисоти таъсирчан акс эттирилган ушбу қисса, ҳикояларни иштиёқ билан мутолаа қилган китобхон ўзининг ички олами, ҳаётининг мазмунини англашга эҳтиёж сезади. Ҳар қандай асарнинг фазилати, жозибаси эса, аввало, айни шу жиҳати билан белгиланади.



**Абдулла УЛУҒОВ**

Журналларни варақлаганда

# "ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ"

***2013 йил, 6-сон***

Таниқли олим Тўра Мирзаевнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 70 йиллиги муносабати билан ёритилган "Филология илмининг маркази" мақоласида Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида амалга оширилаётган ишлар, бу даргоҳда тўпланган илмий салоҳият, унда жамланган маънавий маданият ёдгорликлари халқимизнинг миллий қадриятига айлангани таъкидланади.

Ф.Иброҳимова ва А.Мадвалиевнинг атоқли олим Фаттоҳ Абдуллаев илмий-ижодий фаолиятига бағишланган мақоласи, тилшунос олимлар М.Миртожиев, Э.Шералиева, Д.Абдуллаев, Д.Лутфуллаева ва М.Қурбонова тадқиқотларида сўз ўзаги, ўзбек шеваларининг етук тадқиқотчиси Аҳмад Ишаев фаолияти, болалар нутқига хос айрим мавзулар ёритилган.




Академик Б.Назаров "Умрбоқий шоир" мақоласида улуғ туркман шоири Маҳтумқули ижодининг аҳамияти ҳақида сўз юритса, профессор М.Холбековнинг "Матн, интерматн ва интерматнлик" номли тадқиқотида матннинг тарихий ривожланиши маданиятнинг тадрижий ривожланиши билан боғлиқлиги масаласи ўрганилган. Д.Тўраев мақоласида таниқли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад қиссалари воқеа ва характер мантиқи нуқтаи назаридан таҳлил этилса, "Халқ ижодининг хазинабони" номли мақола таниқли фолклоршунос Зубайда Ҳусаинова илмий фаолияти ҳақида.

Бир қатор илмий ахборот мазмунидаги мақолаларда бугунги насрда бадиий шартлилик, топишмоқлар билан боғлиқ айтимлар, реалистик тасвир ва лирик қаҳрамон масалалари, мумтоз адабиётимиз ва тил илмига доир мавзулар тадқиқ этилган.

"Фанимиз заҳматкашлари", "Танқид, Тақриз, Библиография" рукнлари остида берилган мақолалар, тақризлар, маълумотномаларда ҳам бевосита тил ва адабиёт илми фидойилари, чоп этилган илмий-оммабоп нашрлар савияси ҳақида фикр юритилган.

Ориф ҲОЖИ

# ЭР БЎЛСА ИЗЛИ БЎЛГАЙ



## ОБОД ЮРТ

То кўнгул тўлмай туруб ҳеч
бўлмагай обод юрт,
Руҳ озод бўлмай туриб ҳеч
бўлмагай озод юрт.

Биз кўнгулни тўқ тутиб, сўнг
юртни обод айладик,
Ким кўнгуллар шод ўлуб ҳам
Бўлди-ку дилшод юрт.

Мустабидлик таъсиридан
руҳни озод айладик,
Тикладию қадди мисли
бўлди бир шамшод юрт.

Қурдигу қишлоқда қўрғонлар
шаҳарлар рашк этар,
Эртагу афсоналардан
ҳам берар гоҳ ёд юрт.

Бу Сусамбил ёки Жаннат
ёки Ширин кишвари,
Тоғ кесиб йўллар солур
чиндан букун Фарҳод – юрт.

## ТЎКИЛГАЙ

Заррин қабоғингдан зарҳал тўкилгай,
Сўйласанг, тилингдан асал тўкилгай,
Мен учун илҳомнинг манбаидирсан,
Ҳар бўсангдан юзта ғазал тўкилгай.

Севги — дард, давоси васли ёр эмиш,
Бу дардга чалинган бахтиёр эмиш,
Чалинмаганларга ишқ тумор эмиш,
Васлингдан мислсиз масал тўкилгай.

Баҳор ёди билан ичикар кўнгил,
Илиқ -иссиқларни кўз тутар кўнгил,
Нечундир баҳор ҳам кечикар бу йил,
Келсанг, дийдорингдан ҳамал тўкилгай.

Ёш ўтар, туйғулар тиниқиб борар,
Ранг-рўйим, кун-кундан синиқиб борар,
Ғам ҳосили эгар қаддимни, агар —
Кулсанг, қайғуларим жадал тўкилгай.

Янгиланиш бордир севги сўзида,
Ҳаёт барқ урадир ошиқ кўзида,
Бир-бир санаб нетдим сенинг изингдан,
Ҳар неки тўкилгай, гўзал тўкилгай.

## ДУО

Мурувватсиз карамдан,
Худо ўзи асрасин.
Одами йўқ ҳашамдан,
Худо ўзи асрасин.
Айёр қашамишамдан,
Худо ўзи асрасин.

Умр бўлсин сафоли,
Дўстлар берсин вафоли.
Ёр берсин чин ҳаёли,
Шу иккисин хаёли,
Паришон бўлар дамдан,
Худо ўзи асрасин.

Тунлар юлдузли бўлгай,
Қизлар ой юзли бўлгай.
Эр бўлса изли бўлгай,
Ўғилли, қизли бўлгай.
Ногоҳ ўчгувчи шамдан,
Худо ўзи асрасин.

Бу дунё бир бозбарак,
Муаллақ, сарак-сарак,
Шамол турса варварак,
Шунга ишониб юрак,
Уриб турса пирпираб,
Худо ўзи асрасин.

Кунларимиз давлатли,
Давлатимиз шавкатли,
Шавкатимиз савлатли,
Савлатимиз сарватли,
Сарватли нодонликдан,
Худо ўзи асрасин.

* * *

Ернинг илиқ тафтини қўмсаб,
Ўнгирларда жўнжикади қор.
Аразлаган дилдорга ўхшаб,
Соғинтириб қўйдинг-ку, баҳор.

Қишнинг ярми ўтдию ҳамон,
Бир шарақлаб кулмади анҳор.
Ялпизларга ичикдим ёмон,
Соғинтириб қўйдинг-ку баҳор!

Садоқат НЕЪМАТОВА

# КЎЗЛАРИНГНИ СОҒИНДИМ

## ТОҒЛАР ИЛҲОМИ

Довон ошиб, Тошкент томон йўл олсам,
Энг тоза ҳаводан бўлар кўнгил чоғ.
Фасллар учрашиб турар чўққида,
Сув қўйнида ўсиб турар жажжи тоғ.

О, она табиат мўъжизакорсан,
Сенинг чиройингдан қувнайди кўзим.
Қучоғингни очиб, қучоғингга ол,
Бўлгим келаяпти мен тоғнинг қизи!

Бахмал ёпинади бахтнинг рангида,
Тунда юлдузлари ёқар чироқлар.
Водийдан Пойтахтга интилаверсам,
Кўксимда улғаяр виқорли тоғлар!

## ВАТАНИМ

Номинг юрагимда яшайди мангу,
Сенинг исминг билан оламан нафас.
Қайноқ қучоғингда бахтнинг жаранги,
Бағрингда қувончим бераётир сас.

Туғанмас меҳрингга қўшилиб ўсдим,
Оташин севгингдан бўлмадим айро.
Сени дунёлардан қўяман устун,
Сени дунёларга алишмам асло.

Умримни бахш этай, жонимни фидо,
Сенсиз томиримда қурисин қоним.
Тоабад меҳрингдан айлама жудо,
Заминим, осмоним — Ўзбекистоним!

## БИР СЎЗ СОҒИНЧИ

Менлигимча яшаяпман мен,
Кутмаяпман ҳуда-беҳуда.
Кўзларингни соғиндим деган
Сўзларингни соғиндим жуда.



Висолингдан узилган умид,
Гарчанд энди бу бошқа замон.
Кўзларингни соғиндим деган
Сўзларингни соғиндим ёмон.

Ойлар ўтди, ўтади йиллар —
Ёдингдан ҳам этади халос.
Кўзларингни соғиндим деган
Сўзларингни соғиндим холос.

## ЭСИМДА

Эсимда, гулларнинг қиқирлашию
Митти капалакнинг шивир-шивири.
Сўзингдан меҳрнинг иси келарди,
Кўзларимда эса — кўзларинг қири.

О, қанчалар гўзал, мафтункор эди,
Иккимиз изма-из юрган йўлаклар.
Бир кун сен-ла дийдор кўришамиз, деб
Жавонда эскириб кетди кўйлаклар.

Эсимда япроқлар пичирлашию,
Қулоғимга қолган шамолнинг сири.
Худо шоҳид азоб беряпти афсус,
Ёдингда қолмаган севгимиз сеҳри.

Бахтиёр НУРИДДИНОВ

# ШУДРИНГ ГУЛЛАРИ

*Ҳикоя*

Уят бўлса ҳам очиғини айтай: севиб қолдим.

Аввалига ўзим ҳам ичимни жунбушга келтирган туғённи бепарвогина, оғзимни очиб ухлаб ётганимда кириб олган бешиктебратар бўлса керак, деб иккиланиб юргандим. Йўқ. Унақа эмас экан. Уни бошида ўзим ҳам танимаганимдан афсусдаман. Бу нақ севгининг ўзи эди. Мен уни навқирон йигирма ёшимда учратдим.

Такрор айтаман: севиб қо-о-лдим!

Биз олдин дўстлашдик. Бу осон бўлмади, албатта. Озмунча машаққат чекмадим. Э-э, асти сўраманг. Ундан кўра янтоқзорда думаласам, бунча азоб чекмаган бўлардим. У маҳвашни биринчи бор кўрганимда нимадир ичимда "шув" этиб кетди. Оғзимдан бир нарса отилмоқчи эди, томоғимга тиқилди. Юрагим қинидан чиқиб, халқумимга келган чоғи.

Хуллас, муҳаббат кўчасидан ўтиш мана шундай азобу уқубатдан бошланган. Энди мен уни тушунаман, у мени. Ҳали гаплашиб улгурмаган бўлсак ҳам, кўз қарашларидан буни аниқ биламан. Негаки, у ҳамиша мулойим жилмаяди. Шунақа пайт мен ҳам атрофга уялинқираб қараб, кулиб қўяман. Ҳар куни ишга келаётиб, уни йўлда — кўчанинг нариги, сўл тарафида узоқдан қарши оламан. Ўзим доим ўнгдан бораман. Яқинлашишга юрак дов бермайди. Ҳар тун турли режалар тузаман. Хаёлан изҳори дил қилиб чиқаман. Эртасига уни кўрганда... режаларимнинг ҳеч бири тўғри келмайди. Хаёл бошқа, ҳаёт бошқа деганлари шу бўлса керак-да.

Бугун дардимни унга айтишга қатъий қарор қилдим. Нима бўлса бўлар. Ҳаммаси ўзим ўйлаганимдек юз берди. Журъат қилиб эндигина оғиз жуфтлаганимни биламан, кўзимдан ўт чақнади. Юзимга шунақанги тарсаки тушдики, сиз сўраманг, мен айтмай қўяқолай. Бунақа калтакни умрим бино бўлиб еб кўрмагандим.

Қиз боланинг қўлиям шунақа қаттиқ бўладими?..

Тўғриси, бу менга ёқимли туюлди ҳам. Барибир уч кун дуч келиб қолмаслик учун яшириниб, пана-пастқам жойлардан ишга қатнаб юрдим. Тўртинчи кун деганда чидолмадим. Юрак қурғур қўймади. Яна безовта бўла бошлади. Кўргим келди. Ҳеч нарса бўлмагандек рўпарама-рўпара ишга бораврдим. Зимдан кўз қири билан бир-биримизни кузатардик, холос. Шунисига ҳам шукр. Асосийси ўзимга ишонч бор. Бир кун келиб унинг ғурури қалбим тафтига дош беролмай, муздек эриши аниқ. Шундай бўлишини жуда-жуда истардим.

Кун сайин ўтли нигоҳ ташлашларимга кўникиб қолди. Мен ҳам унинг ўғринча қарашларига ўргандим. Шу тахлит ойларни ўтказдик. Сўппайиб юравераманми, деган ўй калламни ҳар куни чирпирак қиларди. Ичимда ғалаён бошланди. Манзилини билиб, қариндош-уруғларини суриштириш пайига тушдим. Ишдан қайтар маҳалим битта-битта ёмғир томчилай бошлади. Бош кийимимни бостириб, орқасидан эргашиб бораверддим. Анча юрдик. Ниҳоят тўғри йўл тугаб, муюлишга етганда кўздан қочди. Пайқаган бўлса керак-да. Қадамимни тезлатдим. Ўнгга бурилишда уч кўча, уч уй турарди. Бунакасини тушимда ҳам кўрмагандим. Қайси тарафга кетганини билиш қийин эди. Энди қайтмоқчи бўлганимда ўртадаги кўча бошида жойлашган уйнинг болохонаси чироғи ёнди. Қарасам у. Дераза пардасини бир очиб ёпди. Ҳойнаҳой кўрди-ёв. Шу ўйда болохонага тикилиб тураверддим. Ёмғир тезлашгандан тезлашди. Ҳаммаёғим шалаббо бўлди. Ва ниҳоят деразадан яна чироқ шуъла таратди. Энди у пардани очиб тилини чиқаргандек бўлди. Қайдам. Менга шундай туюлди. Этим жунжикиб кетди. Совуқданми, ё ҳаяжонланганимданми, тушунмадим. Туриб-туриб зерикдим. Энди қайтмоқчи бўлганимда, дарвоза эшиги ғийқиллаб очилди.



Не кўз билан кўрайки, у тўғри мен тарафга келарди. Нима қиларимни билмай қолдим. Шу алфозда қочворсаммикин, деган ўй бўғзимдан хиппа бўғди. Кўзларимни маҳкам юмиб олдим. Зора менга парво қилмай ёнимдан ўтиб кетса. Ундай бўлмади. Кўзларимни очганда қаршимда жилмайиб, соябон кўтариб турарди. Даҳшат юз берди. Юрагим пуфакдек ёрилиб кетишига сал қолди.

У бамисоли гўзаллик маъбуди эди. Кўзимга шундай кўринди-да.

— Ивиб кетманг, — деди қўнғироқ овозда ва соябонини узатди.

Лом-мим деёлмадим. Тилим танглайимга ёпишиб қолди, шекилли, соябонга қандай қўл узатганимниям билмадим.

— Қорнимам очди, — дедим талмовсираб. Қиз киноя билан, лекин жудаям чиройли табассум қилди. Кета туриб:

— Ош бўлсин, — деди қўлимга ишора қилиб. Тушунмадим. Нима демоқчи. "Бармоғингни тишла", деганими бу? Ортидан қовоғим осилди. Ҳафсалам пир бўлиб, ўпкаламоқчи эдим, кафтларимни нимадир куйдира бошлади. Хаёл билан сезмабманам. Қиз тушмагур соябон билан бирга қоғозга ўралган иккита қайноқ варақи сомса ҳам тутқазган экан. Хурсанд бўлиб кетдим. Йўл-йўлакай совимасидан паққос туширдим. Кўнглим жойига тушиб, уйга қайтдим.

Эртасига эрталабдан йўл ёқасида уни пойладим. Узоқдан қораси кўринганда секин юришга тушдим. Гўё ўзимни кўрмаганликка солдим. Ортимдан етиб келди. Худди билмагандек кетавердим. Ўзи гапиришини кутдим. Ишхонагача шундай келдик. Ҳеч нарса демади. Галварслигимни англаганимда эса у ичкарига кириб борарди.

— Кечаги учун раҳмат. Мазали экан, — дедим ортидан бақириб.

У мулойим жилмайди.

Шу кўйи кунлар бирини бири қувиб ўтаверди. Индамасдан икковимиз ишга келамиз. Одатдагидек қайтамиз. Орада яна бир бор уйига кузатиб бордим. Бу сафар еганим иссиққина гулхоним бўлди, холос. Ҳали-ҳануз исмини билмайман. Ҳамон сўрашга ийманаман. Негаки, уни... Аммо буни айтолмайман. Кўнглига озор етказмай, дейман. Авайлайман. Ўзимга ўзим савол бераман: Қачонгача? Яна бир куни шашт қилдим. Ҳовлимиз этагида — дарахт учида қип-қизариб пишиб етилган, чулдирвоқи укаларимдан омон қолган бир донагина олмани эрта тонгда узиб тушдим. Йиқилишимга оз қолди. Ёмон бўлардим-да. Уни ўйладим. Қанийди, машаққат чекканимни билса. Олиб бориб унга узатдим. Юзи олмадек қизариб кетди. Ийманиб бўлса ҳам олди. Демак у ҳам... майли, айтмай қўяқолай. Буни ўзим биламан. Ҳеч бўлмаса исмини сўрай. Аммо у югургилаб қочиб қолди.

— Отинг нима? — дедим аранг ортидан сенсираб. Овозим чиқмаганга ўхшади. Эшитмади, деб ўйладим. Жим кузатиб тикилиб тураверддим.

— Ҳаёт, — деди ниҳоят орқасига қарамай ичкари кираётиб.

Билдим-ку барибир.

Ўзимда йўқ хурсанд бўлдим. Теримга сиғмай кетяпман. Яна овозини эшитгим келяпти. Кун бўйи уни ўйлаб ишим унмади. Паришонхотир бўлиб қолдим-ов. Қилган ишларимдан устанинг ичи чиқмади. Ҳа айтгандай, дурадгорга шогирд тушганман-да. У бўлса йўлнинг нариги бетидаги гул дўконида ишлайди. Ҳар куни уста билан бешик ясаймиз. Сумакнинг ичини очаётганимда:

— Эсинг оғиб қолибди. Хаёлинг жойидамас сен боланинг, — деб дакки берди.

Уста тўғри айтади. Ҳар куни шу. Айниқса, у ишга қатнамай қўйганда аниқроқ билинди бу. Икковимизнинг ҳам шууримизда бир нарса айланарди гўё. Буни биламиз-ку, аммо унга етишмоққа шошилмасдик. Кейинчалик бекор қилганлигимни тушуниб етдим. Бироқ кеч эди. Сўнгги пушаймон — ўзингга душман.

Ҳар куни йўл қарайман. Аммо унинг қораси ҳам кўринмасди. Ҳафта ўтдиямки, у йўқ. Шундай гарангсиб анчагача юрдим. Кутдим. Ундан дарак бўлмади. Кечга яқин уйидан хабар олишга аҳд қилдим. Бордим. Болохонанинг чироғи ёниқ. Нигоҳ қадаб тураверддим. Жойимдан қимирламадим. Бирон кимса қарамади. Беихтиёр олдинга қадам ташладим. Биров чиқиб қолармикин, деб ўйладим. Ҳеч зоғ кўринмади. Секин дарвоза эшигини очиб, ичкарига кирдим. Ҳовли саҳнида бир кишига рўпара бўлдим. Ҳойнаҳой отаси. Жудаям тушкун ҳолатда эди.

— Кел, — деди бепарвогина. — Ким керак?

— Ҳаёт, — дедим кўриша туриб.

— Тепада, — деди болохонага ишора қилиб.

Индамай зинадан кўтарилдим. Ҳар бир пиллапояга қадам босганда юрагим қалқирди. Кириб борганимда Ҳаётнинг тепасида шифокорлар турарди. Бошида муштипаргина бир аёл ўтирибди. Онаси бўлса керак, қовоқлари қизариб кетган...

Мени кўриб Ҳаётнинг кўзлари чақнаб кетди. Ўзимни ғалати ҳис қилдим. Бу ишимдан уялдим. Ахир, ҳали танимаган хонадонга сўровсиз бостириб киргандим-да.

— Нимага келдингиз? — деб пичирлади у ҳайрон бўлиб. Хурсандлиги юз-кўзидан сезилиб турарди.

— Кўринмай қолдинг, — дедим хавотирланиб. Шифокорлар онасига бир нималарни тушунтирарди. Ҳаёт ўша кундагидек жилмайди. Онаси унга эътибор ҳам бермади. Ўрнидан туриб шифокорларни ташқарига кузатиб чиқди.

— Яхши юрибсизми? — деди яна юзига кўрпани тортиб беркинганча.

— Ҳа, — дедим. — Ўзинг-чи, тузукмисан?

— Яхши.

— Нимага бормай қўйдинг?

— Касалман, — шундай деб жим бўлиб қолди. Бироз ўтиб, — шудрингда очилган гул бўлсайди, — деди кулиб.

Шу пайт эшик тарақлаб, онаси кириб келди. Кетмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим. Онаси "Ким?" дегандек имо билан қизига қаради.

— ...

— Яхшимисиз, ўтиринг! — деди онаси.

— Раҳмат. Мен борай, эрталаб олиб келаман.

Чиқаётиб киприк қоқиб хайрлашдим. Онаси мениям кузатди. Ташқарида бояги одам билан шифокорлар гаплашарди. Дарвозахонага етганда элас-элас уларнинг "Эҳтиёт қилинглар. Узоқмас..." деган сўзлари эшитилди.

Уйга қайтиб туни билан ухламадим. Ҳовлимиздаги гулзорда ўтириб чиқдим. Шудринг тушишини пойладим. Хаёлимда бўлса шифокорнинг гапи чарх урарди. Субҳидамда уйқу енгибди барибир. Кўзим илиниб, алаҳсираб қолибман. Ёмон туш кўрганманми, қўрқувдан чўчиб уйғондим. Кўзимни очсам, гуллар қийғос очилибди. Шам тушиб, қуёшда товланиб турган, эндигина барг ёйган ғунчалардан териб гулдаста ясадиму у томон шошдим. Бориб эшигининг тагида каловланиб, тўхтаб қолдим. Иккиланиб турганимда онаси чиқиб келди. Ҳовлига сув сепаётган экан.

— Келинг, киринг! — деди самимий.

Тортинибгина улар билан кўришдим. Ҳаётнинг олдига кириб борганимда деразадан қуёш нурлари тушиб турарди. Шунданми, юзлари сўлғин кўринди. Гулларни кўрсатиб, токчадаги гулдонга солиб қўйдим. Хурсанд бўлди. Индамасдан бироз ёнида ўтирдим. Онаси чойнак-пиёла кўтариб келиб қолди. Ҳижолат бўлиб ўрнимдан турмоқчи эдим, қўлидагиларни қўйиб, мени қайта жойимга ўтқазди. Худди эски қадрдонлардек қайноқ чой қуйиб узатди. Оғзим куйиб, шоша-пиша хўпладим. Ичимга иссиқ кириб жонландим. Ҳаёт зимдан кузатиб турган экан, кулиб қўйди. Чеҳраси очилганидан кўнглим жойига тушди. Қайтаётганимда онасидан унинг касалини сўрадим. Аммо айтмади. Ёрдам беришим мумкинлигини билдиргандим:

— Фақат худодан, — деб йиғлаб юборди.

Қўлимдан нима келарди. Ҳали устадан қўл олиб улгурганим йўқ. Кунларим шундай мазмунсиз ўтарди. Ишга келаман. Уста айтган юмушларни бажараман. Сўнг кеч кирганда Ҳаётнинг кўчаси томон югураман. Болохона чироғига бир кўз ташлаб, кўнглим жойига тушиб, уйга чопаман. Саҳармардонда шудринг қўнган гуллардан териб, кунора унга олиб бораман. Ота-онам ҳайрон. Менга нима бўлаётганини сўрашади. Ўзим айтолмайман. Ниҳоят, бир куни отамга ёрилдим. Бор гапни айтдим. Отам ўйланиб, уч кун жим юрди. Бир қарорга келолмай қийналди чоғи. Кейин онамга маслаҳат солган кўринади. Икков бир тўхтамга келишдими, мени ёнларига чақириб ўртага олишди.

— Бу савдо ҳамманинг бошида бор, — деди отам охири.

— Келаётган шанба амма-холаларинг билан уларникига — савдога бормоқчимиз, — деди онам ҳам. — Ҳамма гапни шундан сўнг гаплашамиз.

Мен индамай ер чиздим. Неча кунлардан бери бошимни ғовлатиб, чирмаб ташлаган тугун ечилгандек бўлди. Катталар ўйлаб иш кўришади. Улар нима қарор қилишса розиман, ахир.

Эртасига устахонага борсам уста нимадир ясаяпти. Ёрдам бериб юбордим. Одам бўйи баробар. Нималигини сўрамадим. Ёғочларини меҳр билан уста айтгандай қилиб силлиқлаб чиқдим. Четларига нақш ўйдик. Кейин билсам масжид имоми буюртма қилган экан. Ясаганимиз тобут эди. Юрагим орқага тортиб кетди. Савобли иш, дея ўзимни овутдим.

Қўлинг анча келиб қолибди, деб уста мақтади. Парво қилмадим. Мен учун муҳими шанба. Ҳали уч кун бор. Орада чоршанба, пайшанба, жума турибди. Худди довондек кўринди назаримда. Бу кунларни қандай ўтказганимни билмайман. Шанбада уйга қайтганимда беш яшар укам "Куёвбола, куёв-куёв", деб масхара қилиб қочди. Онам ҳаммаси кўнгилдагидек бўлганини, тузалганда тўй қилишларини айтди. Қувондим. "Бўлди-бўлди", бўлди...

Аммо у тузалиш ўрнига, кундан-кун ёмонлашарди. Орада келин сарполар ҳам жўнатилди. Ҳар куни унинг ҳолидан хабар олиб келаман. Оиласидагиларнинг олдида ётсирамай қолдим. Борганимда кенжа синглиси "почча" деб одамни хижолат қила бошлади. Ҳаёт эшитиб, хандон отиб кулади. Нима қилсин, бечора. Унга насиб қилган бахт шу бўлди, холос.

Уста билан иккимиз ясаган тобут битган эди. Тагига анбар ҳам тайёрлагандик. Олиб ҳам кетишди. Яна ўзимизнинг ишимизга — бешик ясашга тушдик. Аввалгидек одатий кунлар бошланди. Устахонага келаман, уйга қайтаман. Ора кун Ҳаётларникига чопаман. У тузалай демасди. Озиб-тўзиб кетганди. Ранглари ҳам сарғайган. Аммо истараси иссиқ. Чиройи ҳануз ўша-ўша. Одамнинг эсини оғдиради. Кўзлари кулиб туради. Уни соғиндим. Икки кундан бери иш билан бўлиб кўролганим йўқ эди. Чарчаб ухлаб қолибман. Кечроқ турдим. Қуёш аллақачон нурларини ёйворган. Шабнамдан асар ҳам йўқ. Шундай бўлса ҳам қўшнилардан сўраб, бир қучоқ гул уздим. Ўзимизники тугаганди. Ҳаётни хурсанд қилмоқчи эдим. Апил-тапил нонушта қилиб, уларникига чопдим. Аҳволи оғирлашибди. Олдига қўйишмади. Қўлимдаги гулдастани кўриб, ҳамма ҳайрон эди. "Ким бу жинни?" дейишган бўлса ажабмас. Онаси гулларни олиб, болохона деразаси токчасидаги гулдонга солиб чиқди. Ҳар қанча харҳаша қилсам ҳам олдига киритишмади.

— Яша, Ҳаёт! Ҳаракат қил!.. — дедим ич-ичимдан келган титроқни ушлаб.

Устахонага бориб пешингача искана билан бешик тувагига жой ўйдим. Уста кечроқ келди. Бироздан кейин таҳорат олиб, жанозага, деб чиқиб кетди. Бутун борлиғим товонларимга чўкиб, увишиб қолди. Югурмоқчи бўлдим. Бироқ куч тополмадим. Юришга ҳам мадорим йўқ эди. Устанинг ортидан чўккалаб қолдим. Аҳамият бермади.

Шу кўйи қанча ўтирганим эсимда йўқ. Судралиб етиб борганимда дарвозахонада уста икковимиз ясаган анбар турарди. Атрофида одамлар айланишарди. Уч тўрт киши алвон рангли чодир ўрашаётганди. Бир оз ўтиб, бир тўда одамлар тобутни кўтариб чиқишди. Бу ўз қўлларим билан ясаб, сайқаллаган матоҳ эди. Айюҳаннос солиб йиғламоқчи бўлдим. Ўзимни зўрға ушладим. Қанча ҳаракат қилмай, барибир тутиб туролмадим. Кўзёшлар сизиб киприкларимни намлади. Онаси билан сингилларини кўриб юрагим янаям эзилди. Айниқса, кенжаси "Опажон" деб пилдираб, анбарнинг у ёғидан бу ёғига чопиб ҳиққиллаганда ўзимни қўйишга жой тополмадим. Онам қилган сарполарни тобут устига ёпишганда ичимдаги дард отилиб чиқди. Ҳушим учиб, йиқилишимга сал қолди. Орқамдан кимдир маҳкам ушлади. Уста экан. Мени кўриб ҳайрон қолди, шекилли. Ёнида Ҳаётнинг отаси турарди. Шу пайт тобут кўтарилди. Хотин-халаж йиғиси авжга минди. Одам кўп эди. Қабристонга қўлма-қўл узатиб борилди. Шу онда қўлларимни мажақлаб ташлашса рози эдим. Кўзимга дунё қоронғу бўлиб кетди.

Ўзимга келиб қараганимда ҳеч ким қолмаганди. Дўппайиб турган тупроқ устида эрталабда териб келтирган гулларим қуёш нурида ял-ял ёнарди. Чеҳрам ёришди. Унинг жилмайибгина қип-қизил олмани ушлаб, гулзор ичида турганини кўргандек бўлдим.

"Ҳаёт, ҳаёт!", дедим пичирлаб.

Ҳали мен билан узоқ яшайди.

Ҳар тонг гулларнинг япроқларига шудринг қўнганда, Ҳаётнинг нафасини сезаман. Дарахт шохларининг учида офтобда етилиб қирмизи олмалар пишганда, хаёлан беғуборгина юзларини чизаман. Ўзим ясаган бешикда чинқириб болалар йиғлаганда, хушчақчақ овозини эшитгандай бўламан. Қуёш бош кўтариб заррин нурларини заминга сочганда, меҳр тўла қалбининг иссиқ тафтини туяман.

Борлиқ ларзага тушиб чақин чақнаса-ю, булутлар юм-юм йиғласа, унинг севинч тўла милт-милт тўкилган кўзёшларини эслайман.

Ҳа-ҳа! Ростдан ҳам эсим оғиб қолди, шекилли. Айрилиқ — ўлимдан қаттиқ. Уни телбаларча севганман. Умрбод севаман ҳам. Эй ёронлар! Уят бўлса ҳам, сўраганларга секингина очиғини айтинглар, девона деб ўйлаб юришмасин тағин, севиб қолганман, севиб...

# КИНОШУНОСЛАР МАЛИКАСИ

**Жуссаси кичиккина, доимо ерга қараб юрадиган бу аёлнинг хаёлида ҳамиша қандайдир фикрлар айланиб юришини ташқаридан қараган одам дарров фаҳмламаслиги мумкин. Аслида, кўрган филмларини ҳатто йўл-йўлакай ичида таҳлил қилиб юрадиган бу аёл — Ханжара Абулқосимова-нинг ярим асрдан ортиқ умри ўзбек киноси билан боғлиқ.**

Икки оғиз дил сўзи

Ханжара опа гуруҳимизга кино тарихи фанидан илк марта дарсга кириб, ўзини таништирар экан, исмини айтиши билан хонада кулги кўтарилган. Бироқ у бунга кўпам эътибор бермай, жилмайиб қўйган, холос. Устознинг исми ҳақидаги хотираларни кейинчалик унинг ўзи сўзлаб берган: "Қизим қайси соҳада ишламасин, тили ханжардек кескир бўлсин, дея менга бу исмни отам қўйган экан. Дарҳақиқат, инсон ҳаёти, маълум маънода, унинг исми билан боғлиқ бўларкан. Отамнинг исми Носир эди. Бу исм "ёрдамчи" деган маънони билдирарди. У бутун умри давомида қанчадан-қанча одамлардан қўлдан келган ёрдамини аямади. Онамнинг исми эса Ҳаёт эди. Қанча қийинчиликлар кўришига қарамай, Худо унга умр бериб, 95 ёшида оламдан ўтди. Баъзан ўйлаб қоламан, балки исмим Ханжара бўлгани туфайли ҳаётда айнан шу касбда ишлаш тақдиримга ёзилган бўлса керак!"

Ҳақиқатан, Ханжара Абулқосимова отаси ният қилганидек, тили "ўткир" қиз бўлиб етишди. Отаси фарзандларининг тил ўрганишини ва олий маълумотли бўлишини ният қилган. Етти нафар фарзанднинг тўнғичи — қаҳрамонимиз отасининг орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Санкт-Петербург университетининг филология факултетида ўқишни битирган ёш мутахассис Ўзбекистон Тил ва адабиёт институтида фаолиятини бошлади.

Кунларнинг бирида институт директори Азиз Қаюмов ёш ходимларни хонасига чақиртиради. Суҳбатда қатнашган таниқли санъаткор Латиф Файзиев киночилар уюшмаси тузилаётганини айтади. Кино назарияси билан махсус шуғулланаётган ходимлар йўқлиги боис, шу ердаги ёшлар орасидан киношунос мутахассис тайёрлаш ҳақида фикр билдиради. Институт раҳбарияти бу соҳа мутахассислигига Ханжара Абулқосимовани муносиб кўриб, уни аспирантурада ўқиш учун Москвага юборади.

"Киношуносликнинг ташкил этилганига ҳам 50 йилдан ошди, — дейди устоз. — Ўқишдан қайтгач, ҳозирги Санъатшунослик институтига ишга кирдим. Бу соҳада бирин-кетин Жўра Тешабоев, Ҳамидулла Акбаров, Абдуборий Ҳасанов, Саодат Хўжаева, Музаффар Зоҳидов каби кадрлар етишиб чиқа бошлагач, мазкур даргоҳда махсус "Кино ва телевидение" бўлими очилди. Бу ерда киношунослар томонидан ўтган ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида ўзбек кино тарихи ва назарияси ҳақида қанчадан-қанча китоблар чоп этилди, докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди". Айнан шу институтда роппа-роса 50 йил тинимсиз илмий тадқиқот олиб борган Ханжара опа талабаларга ўзбек кино санъати тарихи, назариясидан ҳам билим берди. Муҳими, омма олдида фикрларини аниқ илмий далиллаб, одамларни ишонтира олди. Қуйидаги воқеа бунинг далилидир. "Сен етим эмассан" филми (режиссёр Шуҳрат Аббосов) Москвада мутахассислар иштирокида намойиш этилади. Филм тугагандан сўнг танқидчилар асосий рол ижрочиси, таниқли актёр Обид Жалилов талқин этган темирчи Шомаҳмудов образига эътироз билдирадилар. Уларнинг фикрича, актёр ижросидаги ота совуққон, беэътибор, бемеҳрроқ бўлиб қолган, отага ўхшамаган эмиш. Ҳақиқий ота фарзандларига ниҳоятда меҳрибон бўлиб, уларни бағрига олиши, ўпиб қучоқлаши керак экан. Суратга олиш гуруҳи билан бирга борган Ханжара Абулқосимова ўзбек эркаги, ўзбек отасининг тимсоли шундай бўлиши кераклиги-



Суратда: (ўнгдан) Х.Абулқосимова шогирди билан.

ни, яъни бизнинг миллат оталари ташқаридан қаттиққўл, совуққон, андак меҳрсиздек туюлса-да, аслида қалбида фарзандига меҳр-муҳаббати чексиз, жонкуяр, фидойи эканлигини исботлаб берган. Ўзбек оталарининг кўзларида, хатти-ҳаракатларида, оила учун ўзларидан ҳам воз кеча олишларида уларнинг фарзандларига меҳрлари кўриниб туради. Хуллас, танқидчи-киношунослар ўзбек олимасининг фикри билан ҳисоблашишга мажбур бўлганлар. Бу Ханжара опа фаолиятидан биргина мисол, холос.

Ҳаёти ва фаолияти давомида устоз бундай воқеаларнинг кўпини бошдан кечирган. Ҳозирда устознинг шогирдлари сони беҳисоб. Олди шогирдлари радио, телевидение, газета ва журналларда фаолият олиб боришмоқда. Талабалар олиманинг кино санъати назариясига доир "Кино санъати асослари", "Кинотеледраматургия асослари" китоблари, "Наби Ғаниев", "Таниқли кинорежиссёр" (Л.Файзиев ҳақида), "Йўлдош Аъзамов", "Шуҳрат Аббосов" каби рисолаларидан ҳамда миллий киномиз тарихига оид китобларидан фойдаланмоқдалар. Барчаси устознинг қаттиққўл ва талабчан бўлганидан мамнун эканини айтишади. Ҳатто режиссёрлар ҳам янги филм ишлашганида Ханжара опанинг фикрини эшитишни исташади. Чунки унинг "ханжардек тили" сира алдамайди, фақат ва фақат ҳақиқатни айтади. Ўз чиқишларида бирор филмда йўл қўйилган хатолар ва уларнинг сабабини тушунтириб, асослаб бергани учун баъзан гап-сўзларга қолганига қарамай, исмига содиқ қолаверади. Ханжара Абулқосимовага нисбатан "Кинонинг юриб турган энциклопедияси" деб таъриф беришади. Саксон ёшга кирган бўлса-да, ҳануз ўзбек киноси ҳақида билганларини қоғозга муҳрлашдан чарчамайди.

— Очиғини айтганда, ҳозир кино соҳасидаги энг оғриқли нуқта бу — кадрлар масаласи, — дейди Х.Абулқосимова. — Профессионал киносценарийчилар, кинорежиссёрлар ва киношунослар танқислиги сезилмоқда. Агар кинода профессионал ижодкорлар сафи мустаҳкамланаверса, ёшларимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган филмлар кўпаярди.

Кинони яратиш режиссёр бошчилигидаги ижодий жамоанинг иши бўлса, уни кенг тарғиб қилиш, тушунтириб бериш киношунослар олдида турган муҳим вазифалардан бири. Шу сабабли, кино санъати мутахассислари кўмагида таҳлилий, танқидий кўрсатув, эшиттиришларни, мақолаларни мунтазам бериб бориш керак. Агар кино санъатини кенгроқ ёритиб берадиган махсус газета ёки журнал бўлса яна ҳам яхши. Бу нафақат соҳа мутахассислари, балки кино ихлосмандлари учун ҳам айни муддао бўларди.

Баъзан ўйлаб қоламан, нима учун пойтахтда шунча кинотеатрлар бору, асосан, "Алишер Навоий", "Ғунча" ва "Тож маҳал" каби кинотеатрлардагина ўзбек филмлари намойиш этилади. Қолганларида эса рус ва чет эл киноижодкорлари томонидан яратилган ё жангари, ёки фантастик филмлар кўрсатилади. Менимча, ҳар бир кинотеатрда ўзбек миллий киноси доимий репертуардан жой олиши керак. Ушбу масалага ҳам алоҳида эътибор берилса, яхши бўларди. Сабаби, бугунги кун ёшларини тарбиялашда бадиий бақувват, ғоявий пишиқ миллий филмларнинг ўрни беқиёс.

Режиссёрнинг ҳар бир филми фарзандидек гап. Шунинг учун баъзан унинг камчилигини кўрмайди, ҳатто сезмайди ҳам. Ана шундай пайтда ҳар жиҳатдан етук ва профессионал, дунёқараши кенг, санъатнинг барча турларини тушунган киношуноснинг холис маслаҳатлари даркор. Бу ўринда Фитратнинг: "Кинонинг илдизини бошқа санъатлардан қидириш керак", деган фикри эътиборга лойиқ. Албатта, бугун шундай малакага эга бўлган киношунослар бор. Масалан, санъатшунослик фанлари номзоди Нигора Каримова ҳозирда ўзининг докторлик диссертацияси устида илмий изланиш олиб бораётган мутахассисларимиздан бири. Бундай кадрларнинг янги филмлар муҳокамасидаги фикри ўзбек киноси тараққиёти учун жуда муҳим. Бироқ шундай олимлар қаторида янги ёш авлод киношунослари бўй кўрсатганида яна ҳам кўнгилдагидек иш бўларди.

Ҳаёт йўли ўзбек киносининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқ устоз саксон ёшга кирган бўлсада, ҳамон ўзбек киноси ҳақида ёзишда давом этмоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Ханжара Абулқосимовага узоқ умр, тани-сиҳатлик, ижодий баркамоллик тилаб қоламиз.



**Ҳафиза НИЁЗОВА**

Тадбир

# ФИДОЙИ ҲАЙКАЛТАРОШ



Энг қадимий санъат турларидан бўлган ҳайкалтарошлик ижодкордан истеъдод ва маҳорат билан бирга катта меҳнатни талаб қилади. Бинобарин, бу йўналишда мукаммал асар яратиб, ўзига хос услуб муаллифига айланиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. Ўзбекистон халқ рассоми Жалолиддин Миртожиев ана шундай шарафга муяссар бўлган истеъдодли ўзбек ҳайкалтарошларидан биридир.

Ижодининг айни гуллаган даври Мустақиллик йилларига тўғри келган Ж.Миртожиев ўзбек миллий ҳайкалтарошлиги ривожига катта ҳисса қўшди. Айниқса, ўзбек алломалари ва адибларига бағишланган асарлари шаҳарларимиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Буюк мутафаккир Алишер Навоий, улуғ сиймолар Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Камолиддин Беҳзод, Мирзо Улуғбек, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Фитрат ва бошқа алломаларга бағишланган ҳайкаллари, "Мотамсаро она", "Эл-юрт таянчи", Зулфияхоним, Саида Зуннунова ҳамда Саид Аҳмадга бағишланган асарлари шулар жумласидандир. Ҳайкалтарошнинг устоз сифатидаги мавқеи, юртимизда ва хорижда ўтказиладиган кўплаб халқаро кўргазмалар, биеннале ва илмий анжуманлар, ижодий мулоқотлар ташкилотчиси сифатидаги фаолияти ҳам эътиборга лойиқ.

Яқинда Бадиий академиянинг кўргазмалар залида таниқли ҳайкалтарошнинг ярим асрлик ижодий фаолиятига бағишланган кўргазма очилди. Тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов Жалолиддин Миртожиевнинг ўзбек миллий ҳайкалтарошлик санъатида ўзига хос мактаб яратганини, анъаналарга содиқ ҳолда мазкур санъатни замон билан уйғун равишда ривожлантириш ишига катта ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлади.

**Тўлаган ТОЖИХЎЖАЕВ, ҳайкалтарош:**



Пойтахтимизда Саид Аҳмад ва Саида Зуннуновага қўйилган ҳайкал.

— Жалолиддин бугун мамлакатимиздаги энг маҳоратли ҳайкалтарошлардан бири. У ижод қилган мукаммал санъат асарлари юртимиз хиёбонларини ҳали узоқ йиллар безаб туришига шубҳа йўқ. Чунки Жалолиддин мурожаат қилган мавзулар, яратган қиёфалар халқимиз тарихига дахлдордир. Ҳайкалтарош сифатида ана шундай буюк шахслар сиймосини яратиш имконига эга бўлишнинг ўз катта бахт. Шу ўринда ҳайкалтарошнинг ижодий услубига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. У ҳеч қачон инсонларнинг тошдаги аксини яратишга ҳаракат қилмайди. Аксинча, ҳар бир асарида қаҳрамонларининг руҳий оламини, Шарқ мутафаккирларига хос фалсафий ғояларни илгари суришга интилади. Шу туфайли ҳам ҳайкалтарош яратган асарлар ҳар қандай томошабин эътиборини жалб этади, мулоҳаза юритишга чорлайди.

**Омонулла МАЪДАЕВ, адабиётшунос олим:**

— Жалолиддин билан узоқ йиллардан буён қадрдонмиз. Шуни таъкидлаш лозимки, у ҳеч бир мавзуга шунчаки мурожаат қилмайди. Миллий адабиётимиз, санъатимизда чуқур из қолдирган инсонлар сиймосини яратишдан аввал уларнинг ҳаёти ва ижодини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилади. Масалан, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор образларини яратаётганда ижодий мулоқотда бўлганмиз. Жалолиддиннинг ҳайкалтарошлик билан бир қаторда миллий адабиётимизга ҳам меҳри баланд. Шунинг учун бўлса керак унинг асарларида миллий анъаналаримиз ҳаққоний акс этади.

**Жасванд АННАЗАРОВ, ҳайкалтарош:**

— Жалолиддин ака бағрикенг, шогирдларига ғамхўр, меҳрибон инсон. 2001 йилда ёш ижодкорлар танловида ғолиб бўлганимда ўзининг "Камолиддин Беҳзод" номли асарини менга совға қилиб, ижодимга оқ йўл тилаган. Шундан буён орадан ўн уч йил ўтган бўлса-да, устозим берган сабоқлар ҳамон илҳом бағишлайди. Жалолиддин ака кўплаб ёшларга ижодда ўз йўлини топишга ёрдам берганини ҳам таъкидламоқчиман. Келажакда устозимнинг ижодий анъаналарини давом эттириб, улар каби миллий санъатимиз намуналарини жаҳонга намойиш этишни истайман.

**Сарвара ҚОСИМОВА**

# ШАКЛ ВА МАЗМУН

Кўргазма залларида

Азамат Ҳотамов замонавий ўзбек тасвирий санъатининг таниқли вакилларидан бири. Унинг ўзига хос йўналишда яратилган ҳайкалтарошлик ва графика асарлари мухлисларга яхши таниш. Тасвирий санъат галереясида очилган навбатдаги кўргазмадан санъаткорнинг сўнгги йилларда яратган ўттиздан ортиқ асарлари ўрин олган.

Рассом бу галги кўргазмасида томошабинларни янги ҳайкалтарошлик асарлари билан бирга нафис қаламчизгилари билан ҳам ҳайратга солди. Ҳар бир асарида шакллар уйғунлиги ва хилма-хиллиги ўзига хос ечим топади. Буни "Соғлом бола йили"га бағишланган "Дугоналар" манзараси, "Бахтиёр она ва бола" ҳайкаллари мисолида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, рассом манзараларида отлар тасвири ҳам алоҳида ўрин тутади. Отларнинг хатти-ҳаракати, қарашлари рамзий маънода инсонларни ёдга солади.

Устоз ва шогирд анъаналарига содиқ фидойи ижодкор ҳозирги кунда Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида талабаларга сабоқ бераётганини таъкидлаш лозим.

— Мустақиллик даври ёшларига ҳавасим келади, чунки улар учун бугун ҳамма шарт-шароит муҳайё, фақат ишлаш, изланиш лозим, — дейди Азамат Ҳотамов. — Энг асосийси, ёш ижодкорларнинг қобилиятини керакли томонга йўналтириб, ғояларни ифодалаганда ўз "тили"ни топишга ўргатишдир. Шогирдларимни биринчи навбатда ўз асарини севишга ўргатаман. Ўзим ҳам ҳар бир асаримни фарзандимдек яхши кўраман. Ўтказган кўргазмаларимдан хулоса чиқаришга, янада яхши ишлашга ҳаракат қиламан. Ижодкор тинмай изланишда бўлиши, ҳаётдан, табиатдан илҳомланиб ишлаши керак.

**Саидаброр УМАРОВ**



# СУЛОЛАНИНГ ГУЛЛОЛАСИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Кейинчалик турли баҳонаи сабаблар билан бу устахоналар ёпила бошлаган. Эллигинчи йилларда эса Ғиждувонда хусусий устахоналар деярли қолмаган. Усталарнинг кўплари тарқаб кетган ёки сопол ишлаб чиқарувчи корхоналарга ишга кирган. Бобом ҳам Бухоро, Тошкент, Ригадаги сопол ишлаб чиқарувчи заводларда ишлаган. Лекин ҳеч қачон ҳақиқий ижод билан шуғулланишдан тўхтамаган.

**— Ўзи заводда ишласа, яширинча ижод билан шуғулланишга қандай имкон топган?**

— Бобомнинг тўққизта қизи ва учта ўғли бўлган. Шу сабабли, қўшимча ер олиб, у ерга устахона қуради. Дастлаб у ерда куйдириш учун оташхона бўлмаган. Шунинг учун уста Ибодулла ўз маҳсулотларини заводга олиб келиб цехда куйдирган. Бир сафар чиқиш эшигида уни тайёр маҳсулотлар билан ушлаб оладилар ва бутун меҳнатини ер билан яксон қиладилар. Шунда ҳам бобом устахонасидаги ишни тўхтатмаган. Ўғилларига ҳамиша шундай деган: "Бир кунда ҳеч бўлмаса икки соат ўзларинг учун ишланглар. Даромад ёки машҳурлик учун эмас, кўнгил учун ижод қилинглар. Охир-оқибат, ҳаммаси ўзи келади". Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг бобомнинг айтганлари амалга ошди. Бугун Нарзуллаевлар оиласини фақат Ўзбекистонда эмас, чет элларда ҳам яхши билишади. Ишларимизни 120 дан ортиқ чет эл кўргазмаларида намойиш этганмиз.

**— Билишимча, бувингиз моҳир каштачи экан. Нима учун каштачиликни эмас, кулолчиликни танладингиз?**

— Ҳақиқатан ҳам, бувим қўлигул каштачи. Ҳозир 85 ёшда. Бу ҳунарни бувим ва онамдан ўрганганман. Ижодий фаолиятимни бошлаганимда ўзим ҳақимда "Нарзуллаевлар оиласи каштачиларининг учинчи авлоди" деб ёзардим. Шунда отам каштачиларни авлод бўйича ҳисобламасликларини, чунки ҳар бир аёл ўтмишда каштачи бўлганини тушунтирди. Бизда каштачиликни билмаган қизни келин қилмаганлар. "Сен авлодингда қанча каштачилар ўтганини билмайсан, — деди отам. — Шунинг учун кашта тикишни бувимдан ўрганганман, деганинг маъқул".

Лой билан ишлашни эса аввалига холамдан ўргандим. Холам лойдан ҳуштаклар ясайди. Синглим ва яна бошқа 5-6 яқин қариндошлар унинг атрофида ўтириб олиб турли ўйинчоқлар ясардик. Улар орасида менинг омадим келди. Биринчидан, бошқаларга нисбатан анча тиришқоқ чиқиб қолдим. Қолаверса, болалигимдан ҳеч нарсани синдирмайман ва отиб юбормайман. Ишлаган нарсасини, ёмон бўлса ҳам, бузиб ташлаш ўз-ўзига ҳурматсизлик, деб ўйлайман. Албатта, бу шахсий фикрим. Вақти келиб, ўша ўзига ёқмаган буюмни қайта ишлаб, зўр асар яратиши мумкин.

Албатта, бошида осон бўлгани йўқ, ҳатто ўзимча кичкина айёрлик ҳам қилганман. Ҳуштак ясаш жараёнида энг мураккаб иш — хуштак ҳосил бўладиган жойни ясаш. Ўйинчоқнинг ўзини ярим соатда ясаш мумкин, лекин овоз чиқариш учун маҳорат ва тажриба керак. Узоқ вақт овоз чиқаришни эплолмаганимдан кейин болаларча айёрликни ўйлаб топдим. Ўйинчоқни овоз чиқмайдиган қилиб ясай бошладим. Буни сезиб қолган отам шундай тушунтирди: "Агар овоз чиқмаса, хуштакнинг нима кераги бор. Ҳар бир ясайдиган буюмингнинг ўз вазифаси бор. Албатта, ҳали уста бўлишингга эрта. Лекин ҳозирданоқ олдингга аниқ мақсад қўйиб ишлашга ўрганишинг керак. Бир сафар эплолмасанг, яна ҳаракат қил. Қанча уринсанг, тажрибанг шунча ортиб бораверади". Отамнинг бу ўгити ҳамон асқотиб келади. Ҳатто катта ўйинчоқларга ҳам кичкинагина хуштакни қўшиб қўяман. Ҳозир ҳам отамдан маслаҳат олиб тураман.

**— Сиз ўйинчоқ хуштаклар ҳақида гапиряпсизу хаёлимга бухоролик афсонавий уста Ҳамро Раҳимова келди. Демак, хуштак ясаш аёлларнинг анъанавий машғулоти экан-да...**

— Шундай деса ҳам бўлади. Лекин XX асрнинг иккинчи ярмида баъзи эркак усталар ҳам ҳуштак ясашган. Гап шундаки, аёлларни кулол дастгоҳига ўтказишмаган. Менимча, кулолнинг меҳнати оғирлигидан шундай қилишган бўлса керак. Чунки дастгоҳ олдида қўл ва оёқ бир вақтнинг ўзида ишлагач, аёл киши тезда толиқиб қолади. Шунинг учун аёллар лойдан турли буюмлар, фарзандларига ўйинчоқлар ясаб беришган. Лекин мен баъзан дастгоҳда ўтириб ишлайман. Дастгоҳда ишлашни отамнинг биринчи шогирди уста Ҳасан ўргатган.

**— Одатда ижод билан шуғулланувчиларнинг қизиқиш доираси кенг бўлади. Яъни, улар ижод ёки санъатнинг бир тури билан чекланиб қолмайди...**

— Фикрингизни тушундим. Оиламиздагиларнинг ҳаммаси мусиқани жуда севади, масалан, отам рубоб, дутор, доира каби бир неча созларни чалишни билади. Болалигимизда отам чалаётган мусиқа оҳангги остида уйғонардик. Биз барча фарзандлар ҳам санъатни ниҳоятда қадрлаймиз. Ҳозир турмуш ўртоғим ҳам доира чалади, икки ярим ёшли ўғлим Суннатилло ҳам доира билан жиддий "шуғулланаяпти". Айтишларича, бобом Алишер Навоийнинг кўплаб ғазалларини, "Хамса"дан парчаларни ёддан айтиб бераркан. Хуллас, боланинг қизиқишлари шаклланишида ота-онанинг ўрни катта эканига бизнинг оиламиз яққол мисол бўла олади. Ҳали бизнинг авлод усталари кўп йиллар эл хизматида бўлиб, юрт дуосини олиб юришларига ишонаман. Ўғлим туғилганида "Сулоламизнинг саккизинчи авлоди дунёга келди", деб хурсанд бўлганман. Албатта, уни шу йўлдан борасан, деб мажбур қилмаймиз. Қандай касб танлаш ўз қўлида. Муҳими, эл-юртга нафи тегадиган инсон бўлиб етишсин.

Дилноза билан суҳбатлашиб, оила анъаналари билан танишганимиздан сўнг Нарзуллаевлар сулоласи ҳали узоқ вақт тилдан тушмай ижод қилишига амин бўлдик. Бобосининг устахонасида ўғилларнинг саъй-ҳаракати билан 2000 йили ташкил этилган музей ҳам шундан далолат бериб турибди. Музейни очишдан олдин уста Эргаш Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги 18 та кулолчилик мактабининг энг сара намуналарини турли ҳудудларга бориб йиғиб келди, санъатшунослар, усталар билан учрашди. Кенг қўламдаги ишларни амалга оширди. Ҳозир бу жой сополчиликнинг гўзал намуналари тўпланган юртимиздаги энг яхши музейлардан бири саналади. Бу ерга мактаблар, коллеж, лицей ўқувчилари экскурсияга келадилар. Кўплари бундай саёҳатдан кейин Эргаш акага шогирд тушадилар. Тўғри, уч-тўрт машғулотдан сўнг уларнинг кўплари қайтиб келмайди. Муҳими, улар қисқа муддат бўлса-да, санъатга бевосита ошно бўладилар, ўз қўллари билан санъат сеҳрини ҳис этадилар. Шаклланаётган бола учун бу ниҳоятда фойдали жараён. Шу сабабли ҳам музей ва устахонанинг эшиклари болалар учун доимо очиқ.

**Александра СПИРИДОНОВА**

## ЙЎЛДАГИ ГУРУНГЛАР

Ўзим ўқийман

**ТРОЛЛЕЙБУС:**

Бошда шохим бўлса ҳам,
Ўз йўлимдан чиқмайман.
Дуч келган кўчаларга,
Асло бурним тиқмайман.

**ТРАМВАЙ:**

Аниқ манзилни кўзлаб,
Темир йўлда йўртаман.
Йўлимга ғов бўлганни,
Тумшуғидан туртаман.

**ТИКО:**

Ўрмондаги қуёндек,
Сал ҳовлиқиб юраман.
Сиз нафас ростлагунча,
Ёнингизда бўламан.

**КАМАЗ:**

Бизга қилишар ҳавас,
Ўзин қиёслайди "МАЗ"
Зил-замбил юклар ташиш
Ҳаммага ҳам осонмас.

**АВТОБУС:**

Фарқи йўқ: бензин ё газ,
Мослашди ҳаттоки "ПАЗ"
Русумимиз жуда мўл,
"Мерс...", "Икарус", "Ота йўл".
Кун-тун йўловчи боис
Бағримиз тўла-тўкис.

**ДАМАС:**

Хизматдамиз одамга,
Қулаймиз "Тез ёрдам"га.
Кимлар-чун такси – Дамас
Деманг, бизни индамас!
Ким учун гўё омбор...
Ҳали ҳисоб-китоб бор.

Абдулла АЙИЗОВ

«ЎзАС» галереяси



*Абдуманнон ЮНУСОВ. Манзара.*

Эдгар АЛЛАН ПО

# МАШҲУРЛИКНИНГ ИНТИҲОСИ

Ҳикоя

Мен машҳурман, тўғрироғи машҳур эдим. Аммо "Юниус мактуби"нинг муаллифию "Темир ниқобли" одам ҳам эмасман. Менинг исм-фамилиям Роберт Жонс, Бели Бердда туғилганман. Онамнинг айтишича, эндигина тетапоя қила бошлаган вақтларимданоқ, иккала қўлим билан бурнимни чўзиб ўйнарканман. Муштипарим буни менинг ёрқин келажагим белгиси деб ўйлабди. Отамнинг кўзлари қувончдан ёшланибди. Кўп ўтмай, хонам буруншуносликка оид китоблар билан тўлиб кетди. Мен буруншунослик назариясини мукаммал ўрганганимда ҳали панталон ҳам киймаган эдим. Қисқа муддат ичида катта илмий салоҳиятга эришдим. Бурним эса борган сари катталашиб, мени шон-шуҳрат томон бошларди. Мен бўлсам ҳеч қанақанги назарияга амал қилмасдан ҳар куни эрталаб бурунни чўзиш машқларини бажарардим.

Бир куни отам ўз хонасига чақирди.

— Ўғлим, — гап бошлади отам ўтирганимиздан сўнг, — келажакда қандай мақсадларинг бор? Мен ҳам билсам дегандим.

— Отажон, буруншуносликдаги машғулотларим ҳали охирига етгани йўқ, — дедим мен.

— Роберт, буруншунослик нима экан ўзи? — дея сўроққа тутди у.

— Сэр, — тушунтирдим мен, — бу бурун ҳақидаги фан.

— Айтчи, бурун нима?

— Бурун, — дедим-да, у ҳақидаги минглаб кашфиётларни хаёлимдан ўтказарканман, соатимга қараб олдим. Ҳозир куннинг ярми, тонг отгунча ҳаммасини айтишга улгурсам керак. Демак, бошладик: — Бурун, тананинг муҳим аъзоси бўлиб, Бартолин назариясига кўра: қавариқ — дўнг, узунчоқ...

— Етарли, етарли Роберт! — деди отам қўлларини боши узра кўтарганча. — Мен сенинг чексиз билим эгаси бўлганингдан хурсандман... Худога шукр. (У қўлини кўксига қўйиб, кўзларини юмди). — Ёнимга кел! (У мени елкасига опичиб олди) — Илмнинг чўққисини забт этибсан. Буёғига фақатгина ўзинг учун қайғур. Бурнингни эса шамоллардан асра, хўпми, — у мени елкасидан олиб зинага қўйди-да, кўча томон итариб юборди. — Энди эса эл ичига бор, Парвардигор сени ўз паноҳида асрасин.

Мен ўзимда ҳис қилган руҳий тетикликни яқин орада эришажак бахтга йўйдим. Уйдан кетдиму, чўқинтирган отам маслаҳатларига қаттиқ риоя қилдим. Бурнимни елвизакдан сақлашнинг турли йўлларини қўлладим. Ўқиганларим бекор кетмади, бурнимни чўза-чўза буруншуносликка оид қўлланма ҳам ёзиб ташладим.

Уни Бели Бердда нашр қилишлари биланоқ қўлма-қўл бўлиб кетди.

— Ғаройиб даҳо! — дейишди "Чораклик"дагилар.

— Тенгсиз физиолог! — жар солишди "Вестминистр"ликлар.

— Ажойиб ёзувчи! — дейишди "Хорижликлар".

— Буюк инсон! — деди "Бентли".

— У бизники! — деди "Блеквуд".

— Ким у? — сўради Кўк чулкили хоним.

— Қани у? — сўради кенжа Кўк чулкили хонимча.

Мен ҳам уларни беэътибор қолдирмасдан рассом устахонасига бошлаб бордим. Рассомдан бирон нарса чизиб беришини сўрадим. Герцогиня Шут-Дери сурат чизилишига бош-қош бўлди. Маркиз Рек герцогинянинг газакларини ўйнаб турибди. Граф — менга барибир деган каби қўлидаги мушки анбар солинган идишчани эрмак қилар, оқсуяк хоним — менга тегма дегандек курсига ястаниб ўтириб олганди. Уста ишини тамомлагандан сўнг суратга яқинлашдим ва бурнимни чўзиб қўйдим.

— Қандай гўзал! — деди оқсуяк хоним жилпанглаб.

— Ё, Худойим! — ўзидан кетай деди маркиз.

— Сиз бунинг учун қанча сўрайсиз, — дабдурустдан сўраб қолди рассом.

— Бурни учунми? — қичқирди киборли хоним.

— Минг фунт, — дедим мен юмшоқ курсига ястаниб оларканман.

— Минг фунт? — ўйчан ҳолда такрорлади рассом.

— Минг фунт, — дедим мен.

— Бетакрор! — деди рассом ҳаяжонини яширолмай.

— Минг фунт! — такрорладим мен.

— Сиз кафиллик берасизми? — деди у бурнимни чироқнинг ёруғига тоблаб кўраркан.

— Кафолат бераман, — дедим.

— Бунақаси бошқа йўқлигига? — суриштирди рассом.

— Пх-х-х! — овоз чиқардим, бурнимни ёнбошга қайириб кўрсатарканман.

— Уни ҳеч қачон чизишмаганлигига? — деди рассом қўлига микроскопни оларкан.

— Ҳеч қачон, — дедим бурнимни яна бир бор чўзганча кўз-кўз қилиб.

— Ажойиб! — деб қичқирди рассом гўзаллик олдида ўзини йўқотар ҳолатга тушиб.

— Минг фунт, — дедим мен.

— Сиз айтганингизни оласиз, — деди у. — Шундай ноёб нарса олдида пул нима деган гап...

У менга чек ёзиб берди ва бурнимни шундай ўхшатиб чиздики, асти қўяверасиз. Мен бу суратни "буруншунослик" китобимнинг тўқсон тўққизинчи қайта нашри билан бирга Зоти Олийларига юбордим. Бахтиқаро шаҳзода Уэлский мени кечки зиёфатга таклиф қилди.

Саройга мамлакатнинг барча машҳур ва нозиктаъб киборлари ташриф буюришганди. Бир пайт ваъзхонлик бошланиб кетса денг: Платоннинг замонавий талқинчиси Порфирийдан, Проклдан, Максим Тирскийлардан намуналар ўқиб берди. Ўз ўзини англаш тарафдорлари эса Тюрго, Прай, Крендордан мисоллар келтирди. Сэр Позитив Парадокснинг айтишича ҳамма аҳмоқлар файласуфлардир, файласуфлар эса аҳмоқлардир. Этикс Эстетикснинг чиқиши олов, танҳолик ва атом, кўнгил иккиланишлари, висол ва айрилиқ ҳақида бўлди. Раши де Капкалялик Фрикассе минбарга чиқиб олиб, французлар овқат учун рангли карамни қанча ишлатишларини узоқ гапирди. Бели Берд университети президенти ойни Фракистонда — Бендидо, Мисрда — Бубастида, Римда — Диана, Грецияда — Артемида деб аташларини қайта-қайта таъкидлаб, нутқ ирод қилди...

Ваъзхонлик қизигандан-қизиб, нотиқларнинг охири кўринай демасди. Ва ниҳоят менга ҳам навбат етиб келди. Менинг нутқим бошдан охир буруншунослик, у ҳақдаги қўлланмам, ўзим ва яна ўзим ҳақимда бўлди. Бурнимни чўзиб-чўзиб, узундан узун, оташин нутқ сўзладим.

— Ажойиб ақл соҳиби! — деди шаҳзода.

— Ғаройиб! — дейишди унинг меҳмонлари.

Кейинги кундаги зиёфатга эса герцогиня Шут-Дери таклиф қилиб деди:

— Сен Эльмакка борасанми, азизим?

— Чин сўзим, албатта бораман, — дедим мен.

— Бурнинг билан биргаликдами?

— Қасам ичаман, — дедим мен.

— Мана бу ташриф қоғозим. Энди сенинг боришингга ишонсам бўладими?

— Албатта, азизам герцогиня.

— Айниш йўғ-а? Бус-бутун бурнинг билан-а?

— Шубҳасиз, — дедим мен бурнимни чўзиб қўярканман.

Эльмакка ташриф буюрганимда у ер тиқилинчдан чидаб бўлмас даражада димиқиб кетганди.

— У келаяпти! — деди кимдир зинадан.

— У келаяпти! — деди яна кимдир тепа зинадан.

— У ростдан ҳам келдия! — қувончдан қичқириб юборди герцогиния. У қўлларимни сиққанча бурнимдан чўлпиллатиб ўпа бошлади. Бир пасда менинг ташрифим шов-шув бўлиб кетди.

— Иблис! — қичқирди граф Козерогутти.

— Эй Худо! Ўзинг асра! — ғўлдиради дон Стилетти.

— Иблисона, — деди курфюрест Крофошатский.

Шу пайт курфюрест томон ўгирилдим-да:

— Жаноб, сиз аблаҳсиз, — дедим.

— Жаноб, — деди у, — Момоқалдироқ ва Чақмоқ!

Бундан баттар бўлиши мумкин эмасди. Биз эртасига тонг маҳал Чок–Фарм остида отишдик. Мен бир ўқ билан унинг бурнини тагидан узиб ташладимда дўстларимга юзимни терс буриб кетдим.

— Аҳмоқ! — деди бири.

— Ҳайвон! — деди иккинчиси.

— Эшак! — деди учинчиси.

— Телба! — деди кейингиси.

— Қорангни кўрсатма! — деди яна бири.

Абгор бир аҳволда отамнинг олдига бориб, бор гапни айтиб берарканман деди:

— Отажон, мен учун ҳаётнинг қизиғи қолмади.

— Ўғлим, бу ҳали буруншуносликнинг илк синовлари-ку, аммо сен курфюрестнинг бурнига тегишиб катта хатоликка йўл қўйибсан. Сенинг бурнинг бетакрор, буниси аниқ, лекин курфюрест Крофошатскийда эса ҳеч ваҳо қолмадида. Мана шу йўқотиши унга шон-шуҳрат олиб келди, билсанг. Сен ҳалокатга юз тутдинг, у эса бугун қаҳрамон. Белли Бердда энди ҳеч ким бурунсизлик билан унинг олдида мақтанолмайди. Мана, сен юз тутган фожиа қаерда, болам.

Мен эса келажагимни ўзим барбод қилганимни тушунганимда карвон аллақачон кетиб бўлганди.



**Рус тилидан Даврон УЛУҒМУРОДОВ таржимаси.**

Соғлигинг — бойлигинг

## УЗОҚ УМР ВА УЙҚУ

Австралиялик олимлар хулосасига кўра, эркаклар узоқ яшашни исташса доим уйқуга тўйиб юришлари керак экан. Аёллар эса, агар уларнинг таомларида сабзавотлар ҳамда В6 дармондориси сероб бўлса, гоҳида уйқуга тўймасалар ҳам, соғлиги жойида бўлиши мумкин. Бу дармондори гўшт, банан, ёнғоқлар (айниқса, хандон писта) ва саримсоқпиёз таркибида бор.

Тадқиқотлар Мелбурндаги Монаша университети олимлари томонидан амалга оширилган. Олимлар умрни узайтиришда уйқу ва таомнинг ўрни қандай, деган саволга жавоб изладилар. Профессор М.Уолквистнинг фикрича, уйқу аёлларга қараганда эркаклар учун жуда муҳим. Негаки, уйқуга тўймаслик семириб кетиш, қандли диабет, юрак-қон томир, юрак етишмовчилиги хасталикларига олиб келиши, айни чоғда, иммунитетни сусайтириб юбориши мумкин экан.

Катта ёшдагилар тахминан 7-8 соат ухлаши зарур. Бош мия мониторинги бўйича мутахассис доктор К.Берканинг айтишича, уйқунинг тўлиқ палласи 90 дақиқа давом этади. Соғлом бўлишни хоҳлаган киши камида шундай 4-5 паллага тенг мобайнида ухлаши керак. Уйқу билан овқатланиш ўртасида ҳам боғлиқлик бор. Организмида темир ва В6 дармондориси етишмаганлар уйқуси беором бўлади. Кам уйқу кишиларда, одатда, иштаҳа ҳам яхши бўлмайди, улар спорт билан ҳам деярли шуғулланишмайди.

Олимлар тавсияси шундай: ҳар бир киши кайфияти ва ўз қиёфасини ўзи яхшилаши мумкин. Бунинг учун тўйиб ухлаш ва тўғри овқатланиш лозим. Дастурхонда сабзавотлар, темир ва В6 дармондорисига бой маҳсулотлар кўпроқ бўлиши ва албатта, ҳаракатдан тўхтамаслик зарур экан.

## ГРИЛДА ПИШГАН ТОВУҚ...

Шуни ёдда тутиш керакки, қайнаб пишган ёки совуқ ҳолда дудланган гўштда канцероген (саратон хасталигини пайдо қилувчи) моддалар айтарли кўп бўлмайди, дейди Норвегия саломатлик ва атроф-муҳит институти олимлари. Бироқ ҳамма севиб истеъмол қиладиган грилда пишган парранда ёки қовурилган гўшт маҳсулотлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Негаки, айнан товуқ ва чўчқа этида зарарли моддалар миқдори жуда юқори. Грилда тоблаш ёки товада қовурилганда тез қизиб кетиши туфайли товуқ ва чўчқа гўштларининг канцерогенлиги бир неча бор ошиб кетаркан.

Бу ўринда гап "гетероциклик амин"лар миқдори жуда юқорилигида. Гўшт таркибидаги мазкур оқсиллар юзага чиқиши мумкин бўлган канцероген моддалар ҳисобланади. Шундай оқсилга бой маҳсулотларни тез-тез ва кўп истеъмол қиладиган кишиларда меъда, йўғон ичак, аёлларда эса кўкрак саратони ривожланиш хавфи юқори бўлади.

### Гўштни хуш кўрувчиларга етти маслаҳат:

**1.** Паст ҳароратда тайёрланган гўшт маҳсулотлари: пепперони колбаса, қоқланган сур гўшт (болқон пршути, испан хамони ёки дудланган парм ветчинаси), қоқланган колбасалар канцероген моддаларнинг организмга таъсири жиҳатидан нисбатан хавфсиз. Фақат тайёрловчилар ўз ишига виждонан ёндошиб, гўшт маҳсулотларига турли консервант ва таъм кучайтирувчи моддаларни меъёридан ортиқ даражада қўшиб юборишмаса бўлгани.

**2.** Агар грилда пишган хуштаъм товуқдан кўнгил узолмасангиз, ҳеч бўлмаса, унинг этини, нақадар тотли бўлишидан қатъий назар, олиб ташлаш зарур. Негаки, товуқ этида зарарли ёғлар билан бирга канцероген модда ҳам кўп бўлади.

**3.** Шу усулда пиширилган товуқ гўштини ўша куннинг ўзида, такрор қиздирмасдан истеъмол қилинг. Чунки гўштга юқори ҳарорат билан қайта таъсир этиш унинг таркибидаги "гетероциклик амин"лар миқдорини ошириб юборади. Бу барча турдаги гўшт маҳсулотларига тегишли. Ҳатто тоблаб ёки қайнатиб пиширилган гўштни ҳам бир мартадан ортиқ иситмаслик керак, дейди парҳезшунос-гастроэнтеролог С.Бережная.

**4.** Парҳезшунослар яна шундай маслаҳат беради: грилда пишган гўштни помидор, брокколи карами ёки ловия, саримсоқ қўшиб истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ. Бу неъматлар озиқли толаларга бой бўлиб, зарарли моддалар таъсирини камайтиради ва уларни организмдан чиқариб юборади.

**5.** Картошка эса таом ҳазмини оғирлаштиради, зарарли моддалар чиқиб кетишини сусайтиради. Яхшиси картошкани балиқ билан, гўштни эса сабзавотлар ва гуруч билан истеъмол қилган маъқул.

**6.** Гўштли таомлар устидан газланган суюқлик, шарбат ичмаслик керак. Бу ошқозон ости безига оғирлик қилади, қориннинг санчиб оғриши ва дамлашига олиб келади.

**7.** Мол гўштини спирт қўшилмаган қизил мусаллас, товуқни оқ мусаллас ёки шампан виноси, қўй гўштини эса коньяк, кийик гўштини арoқ, ўрдак гўштини виски ёки бренди билан истеъмол қилиш мумкин. Алкоголсиз ичимликлардан кўк чой, нордон иссиқ морс, лимонли қора чой ушбу таомларга мос келади. Гўштли таомларни салқин ичимликлар билан истеъмол қилмаслик керак. Улар таомнинг ҳазм бўлиш жараёнини сусайтиради, гўшт ёғидаги нохуш таъмни кучайтиради. Шунингдек, гўштли таомлар устидан қаҳва ҳам ичмаслик тавсия этилади. Қаҳва таом таъмини кесади, жигар ва ўт қопи фаолиятини оғирлаштиради.

## БОШ МИЯ ФАОЛЛИГИ ВА ЎСИМЛИК ЁҒИ

Олимлар бош мия фаол ва ҳамиша навқирон бўлиши учун ҳар куни икки ош қошиқ ўсимлик ёғи истеъмол қилиш зарурлигини исботладилар. Норвегия бош мия институти олимларининг хулосаси шундай. Бу ўринда гап F дармондориси ҳақида. Мазкур витамин қон томирларда (жумладан, бош мияни озиқлантирувчи энг майда капиллярларда) холестериннинг тўпланиб қолишига қарши курашда ёрдам беракан. Шунингдек, ўсимлик ёғи таркибидаги олеин кислотаси ҳужайра мембраналари тузилишида ҳам иштирок этади. Айни пайтда асаб тўқималарида шикастланган ҳужайралар тикланиши ва янгиланишига ёрдам беради. Бу дегани олеин кислотаси бош мия нейронларини ёшартиришга масъулдир.

Тадқиқот муаллифи ослолик физиолог Б.Хагесеннинг таъкидлашича, кўпчилигимиз зайтун ёғи маргариндан фойдали эканини биламиз, бироқ фақат ресторанларда шундай ёғ қўшилган салатларни истеъмол қилишнинг ўзи етарли, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, зайтун ёғини мунтазам равишда, ҳар куни истеъмол қилишгина самара беради. Яхши сифатли ўсимлик ёғи бизга ҳар куни зарур — ўртача миқдори икки ош қошиқ. Таомларига умуман ёғ қўшмайдиган кишиларнинг хотираси жуда ёмон, улар серзарда ва янги хабарларни ҳам тузук эслаб қололмайдилар. Айни пайтда ўсимлик ёғлари ҳайвонот мойларини эритиб юборувчи А (тери, кўз нури ва иммунитет учун зарур) ҳамда Е (инфекциялардан ҳимояловчи антиоксидант) дармондориларига бойдир.

### Етти хил энг фойдали ўсимлик ёғлари

Зайтун ёғини дўконлардан харид қилганда унинг ёрлиғидаги кислоталилик даражасига эътибор беринг. У қанча кам (0,8 фоизгача) бўлса, сифати шунча юқори ҳисобланади. Қадимги Юнонистонда зайтун ёғини "суюқ олтин" деб аташган. Унда олеин кислотаси барча ёғларга нисбатан кўп. Зайтун ёғи қиздирилганда канцероген модда амалда пайдо бўлмайди. Кунгабоқар, маккажўхори, зиғир, кунжут, ошқовоқ ва хантал ёғлари ҳам қатор афзалликларга эга бўлиб, ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга.

Фақат улардан билиб фойдаланган маъқул.

*Интернет хабарларидан.*

ЭЪЛОН!

Ўзбекистан Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Репертуар-таҳрир бўлими «Халқ» ва «Намунали» унвонга эга бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг репертуарларини мазмунан бойитиш мақсадида қуйидаги йўналишлар бўйича — «Соғлом бола йили»га бағишланган, истиқлол ғояларини тараннум этувчи шунингдек, ёшлик ва муҳаббат мавзуларида яратилган ҳаваскорлик даражасида саҳналаштириш мумкин бўлган саҳна асарларини белгиланган қийматда сотиб олади!

— ҳаваскорлик театр жамоалари, қўғирчоқ театрлари учун бир ва икки пардали пиесалар;

— ашула ва рақс, фолклор-этнографик ансамбллари учун куй ва қўшиқлар;

— театрлаштирилган оммавий байрамлар ва томошалар учун сценарийлар;

— ҳаваскор эстрада ансамбллари, халқ чолғу оркестрлари учун куй ва қўшиқлар.

Тақдим этилган асарлар муқаддам ижро этилмаган ва чоп қилинмаган бўлиши шарт. Асарларнинг матни ва нотаси икки нусхада компютер графикасида ёзилган бўлиши талаб этилади. Топширилган нусхалар муаллифларга қайтарилмайди.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони 5, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Репертуар-таҳрир бўлими. Тел: (+99871) 239-41-22**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@mcs.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-58-86 Санъат бўлими: 233-56-40*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 233-57-42 Назм ва наср бўлими: 233-58-60*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Азиз ИМОМОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 6726 Буюртма Г — 258. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН.

ISSN 2181-614X